Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Ҳуқуқ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
18 ноябр, чоршанба

47 (59)

Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларида муҳокама этилган масалалар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Абдусаид Кўчимов бир неча савол билан мурожаат қилди.

Йўлбошчимиз саволларга жавоб қайтарар экан, мазкур йиғилишларда кўтарилган муҳим маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммолар ҳақида батафсил фикр билдирди.

Қуйида шу суҳбат матни эълон қилинмоқда.



АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН

САВОЛ: Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, куни кеча Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди. Жамоатчилигимиз бу анжуманларда муҳокама этилган масалалардан оммавий ахборот воситалари орқали етарлича маълумот олди, одамлар ўз муносабатларини ҳам билдирмоқдалар. Шу билан бирга, ҳар икки сессияда Сизнинг чиқишингизни кузатар эканмиз, айниқса «юрагимни бўшатишни истардим-у, майли...» деган сўзларингизни эшитганда, журналист сифатида ватандошларимизга яна айтмоқчи бўлган қатор фикрларингиз борлигини сезгандек бўлдим...

ЖАВОБ: Ҳақиқатан, халқимиз гувоҳ бўлганидек, ҳар икки сессия ҳам кескин, танқидий руҳда ўтди. Мазкур вилоятларнинг раҳбар доираларида вужудга келган носоғлом муҳит ҳақида аччиқ, аммо ҳаққоний сўзлар айтилди. Бундай номақбул одат тусига кириб қолаётган ачинарли ҳолатлар бугунги ҳаётимиздаги ижтимоий муҳитнинг бузилишига ва аҳолининг адолатга бўлган ишончининг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бу фикрлар аслида амал курсисидан кетаётган кимсалар учун эмас, шу вилоятларда яшаётган меҳнаткаш, адолатга ташна инсонлар, ҳаётга эндигина кириб келаётган ёшлар учун, миллатимиз, халқимизнинг эртанги куни ҳақида қайғуриб айтилди, десак, хато бўлмайди.

Шу йиғилишларда тилга олинган маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг баъзи бир жиҳатларини қисқача изоҳлаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки улар бизнинг бугунги ҳаётимиз, олға қараб қилаётган ҳаракатларимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Умрим давомида орттирган озми-кўпми ҳаётий тажрибаларим асосида шундай хулосага келдимки, дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар кўп. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзотнинг кимлигини, унинг қиёфаси ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди.

Шу хусусда кўп ўйлайман. Мансаб деганлари қандай сирли, бетизгин куч эканки, нега у манаман деган, ақлли-ҳушли, оқ-қорани таниган, туппа-тузук инсонларнинг эл-юрт, давлат ишониб топширган ваколатларини суиистеъмол қилишига, инсофини йўқотишига олиб келади, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик, қалондимоғлик каби иллатлар домига тортади? Бунинг сабаблари нимада? Бу ярамас иллат қаердан, қандай пайдо бўлади? Бу хунук, аянчли аҳволни қандай қилиб бартараф этиш, жамият танасига канадай ёпишган бу балодан қай тарика халос бўлиш мумкин?

Бу касаллик илдизи хонлар, беклар, қозилар, мингбоши-юзбошилар ҳукм сурган олис замонларга бориб тақалади. Балки халқ эртакларидаги порахўр амалдорлар, Абдулла Қодирий тасвирлаган ришватга ботган хон мансабдорлари ёки бўлмаса Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур «Ўғри» ҳикоясида қаламга олинган воқеалар фақатгина бадиий тўқима маҳсули эмасдир?..

Айни чоғда тарихимизнинг турли саҳифаларини кўздан кечирганда, халқимиз маънавияти билан боғлиқ шундай маълумотларга дуч келасизки, улар ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар, таъмагирликдан нафратланиш, камтарлик, адолатпарварлик сингари туйғулар миллатимизга хос энг олижаноб фазилатлар эканидан далолат беради. «Бировнинг ҳақи», «қиёмат қарз», «пешона тери», «мол-мардумхўр» деган сўзлар бунинг яққол ифодасидир.

Биргина мисол.

Маълумки, Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо темурий ҳукмдорлардан бири эди. Бобур ўз хотираларида отасининг нақадар адолатли ва ҳалол одам бўлганини кўрсатувчи шундай маълумотни келтириб ўтади. Қай бир йили Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилик карвон Ўш тоғларида қор кўчкини остида қолиб ҳалок бўлади. Умаршайх Мирзо дарҳол одамларини юбориб, карвоннинг юкларини назорат остига олдиради. Эгалари ҳалок бўлган шу молларни икки йилдан зиёд эҳтиётлаб сақлайди. Хуросон ва Самарқандга махсус одам юбориб, карвон эгаларининг меросхўрларини дараклатиб топтиради ва уларни ўз мамлакатига чақиртириб, молларни тўлалигича қўлларига топширади.

Бундай мисолларни ўтмишдаги оддий одамлар ҳаётидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Худога минг шукурки, ҳозир ҳам ҳаётимизда шу эзгу тушунчалар барқарор ва устувор. Шунинг учун ҳам биз йўлимизда тўсиқ бўлиб турган, халқимизнинг, фуқароларимизнинг ҳақли равишда норозилиги ва қаҳр-ғазабига сабаб бўлаётган баъзи бемаъни ишларни таг-томири билан йўқотиш ҳақида очиқ, ошкора гапиряпмиз.

Чунки замонавий дунёқарашимиз, маънавий тамойилларимиз, урф-одатларимиз, кўникмаларимиз янгича асосда шаклланаётган ва шубҳасиз эртанги авлод таълим-тарбиясига асос бўладиган ижтимоий-ахлоқий қарашларимиз вужудга келаётган бугунги ҳал қилувчи паллада бу нарса Президент сифатида мен учун ҳам, бутун халқимиз учун ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Дунёнинг кўп-кўп мамлакатлари, жаҳон халқларининг ҳаёти, тарихи, иқтисоди, сиёсати, фалсафаси, маданияти шуни кўрсатадики, ёвузликнинг, жумладан порахўрлик, ўғрилик, товламачиликнинг миллати, насл-насаби йўқ. Бу офат башарият бошига битган шундай ашаддий балоки, унинг салбий оқибатларини оламдаги жуда кўп давлатлар, юксак тараққий топган мамлакатлар ҳам ўз ўтмиши, бугунги ҳаётида кўриб-сезиб турибди.

Биз озодликка эришган илк кунимиздан бошлаб, ўз миллий давлатчилигимизни тиклашга киришган дастлабки пайтданоқ ният ва муддаоларимизни бутун дунёга очиқ-ойдин маълум қилганмиз: мақсадимиз аниқ — Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш — бош вазифамиз. Бу жамиятда **халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилиши** — асосий қоида.

Биз ана шу тамойил ва йўл-йўриқларни ҳаётимизнинг мазмун-мундарижасига айлантириш учун интиляпмиз. Энг муҳим гап шуки, бошлаган барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта — **адолатли жамият барпо этиш.**

«Адолат» сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.

Айниқса, раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Аввалари ҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: **халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.**

Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан тортиб Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган «Сиёсатнома» деган асарда подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қозию қуззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси **«кўю кўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, ҳаром кўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборат»,** деб кўрсатилган.

Ҳар сафар шу каби ҳикматли фикрларни ўқиганимда чуқур ўйга толаман. Қани эди, шу сўзлар ҳар бир раҳбарнинг, амал курсисида ўтирган каттакичик мансабдорларнинг иймон-эътиқодига айланса, деб орзу қиламан.

САВОЛ: Фикрингизни бўлганим учун узр. Сиз доимо эзгу орзу-ниятлар билан яшаш, ҳаракат қилиш деган тушунчаларни иймон, эътиқод, охират каби тушунчалар билан ёнма-ён қўйиб мушоҳада юритасиз. Бунда қандай маъно бор?

ЖАВОБ: Гапингизни тушундим. Лекин мен саволингизга жавобни саволдан бошласам. Ота-боболаримиздан қолган мана шундай доно ўгитлар, Қуръони Карим, Ҳадислар нима учун хизмат қилиши керак? Ахир улар бизга, эй банда, сен — одамсан, сени Оллоҳ таоло инсон қилиб яратган, шунга муносиб бўл, юриш-туришинг, хатти-ҳаракатинг, ҳаётинг инсонлик шаънига, инсонлик номига яраша бўлсин, деган фикрни англатиш учун керак эмасми?

Менинг комил ишончим шундан иборатки, дунёда **адолат қонуни** мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолаверса, одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин; аммо охиратда қаерга қочасан?

Агар одам охиратдан қўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди.

Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, **адолат тамойилини** устувор принцип сифатида эътироф этамиз. Ва ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан ортга қайтаролмайди. Самарқанд ва Навоий вилояти сессияларида айтилган фикрлар бунинг яна бир бор тасдиғидир.

САВОЛ: Сизнинг шу йиғилишлардаги маърузаларингиз, ҳозирги гапларингизни эшитганда табиий бир савол туғилади. Йўлимиз тайин, тараққиёт дастуримиз аниқ бўлса, нима учун ҳаётимизда инсон табиатига тўғри келмайдиган ана шундай номаъқул, эски асоратлар ҳанузгача учраб турибди?

ЖАВОБ: Биз бугун афсуснадомат билан фикр юритиб, бартараф этиш чораларини излаётган нохуш ҳолатни вужудга келтирувчи асосий сабаб шундан иборатки, кўп ҳолларда давлат ходими, давлат хизматчиси, яъни давлат ваколатидан фойдаланадиган амалдор шу ваколатни суиистеъмол қилишга интилади. Нима учун? Чунки мансабдорни ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиши учун қутқу соладиган омиллар кўп. Чунки унинг қўлида ваколат бор, куч бор. Ана шундай ҳолда нопок ходим давлатни ниқоб қилиб, моддий бойликларни тақсимлаш, ишлаб чиқариш соҳасига қўшилиш,

(Давоми 2-бетда).

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари «Қонун ҳимоясида» журнали

БОШ МУҲАРРИР:

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Асрор АҲМАДЖОНОВ
Дилшод ИСЛОМОВ
(масъул котиб)
Мэлс НАИМОВ
Орипжон ХОЛМАТОВ
Лола ШОМУРОТОВА
Бахтиёр НАЗАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Газета андозаси «Ҳуқуқ» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.Газетадан кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик мақолалар белгиси остида чоп этилади.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, академик Яҳё Гуломов кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:
13-363-88, 13-382-34, 77-72-25

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан №00150 рақам билан рўйхатга олинган.
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида офсет усулида босилди.
Манзили: *Тошкентшаҳри, Буюк Турон кўчаси -41.*
Нусхаси 12734
Буюртма Г- 0540
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоси сотувда эркин нархда.

Босмахонага топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 19.00

Суратлар муаллифи Р.ШАРИПОВ

Навбатчи муҳаррир: **З.МАМАДАЛИЕВ**

1 2 3 4 5 6 7

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

кадрлар масаласини ҳал этиш каби нозик масалаларга аралаша бошлайди. Бундай муҳим масалаларда давлатнинг таъсири ва амалдорларнинг роли қанчалик кўп бўлса, у шунчалик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу фикрни кўплаб давлатлар тажрибасида ҳам, тарихий фактлар мисолида ҳам исботлаб бериш мумкин. Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган.

Бугун биз бошимиздан мураккаб бир давр — яъни ўтиш даврини кечираётганда, эски маъмурий-буйруқбозлик, мансабдорларнинг чексиз ҳукмронлиги замонидан янги озод жамият, эркин иқтисод, демократик тузум сари қадам қўяётган бир пайтда бундай қусурларнинг юзага қалқиб чиқиши ҳам табиий бир ҳол. Янада соддароқ айтганда, эски тизим қонунлари ўз кучини йўқотиб, янги тизим, янгича ҳаёт кечириш, ишлаб чиқаришни, ижтимоий турмуш соҳаларини бошқаришнинг янги қонунлари ҳали тўла кучга кирмагани, энг муҳими, одамларимизнинг тафаккурида ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй бераётгани, уларнинг янги тизим қоидаларини қийинчилик билан идрок этаётгани ва қабул қилаётгани ҳам шу каби салбий ҳолатларни кучайтирмоқда.

Бу вазиятдан чиқиш, вужудга келган аҳволни бартараф қилиш, ҳар қайси жамоа ва минтақада соғлом ижтимоий муҳит ташкил этиш борасида турли хил фикрлар билдириш мумкин. Баъзилар, ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари, маъмурий идораларнинг кучини ошириш керак, дейиши мумкин. Яъни, текширувчилар сонини кўпайтириш, керак бўлса, ҳар бир мансабдорнинг ёнига биттадан назоратчи қўйиш зарур, дегувчилар ҳам йўқ эмас.

Аммо воқелик, кундалик ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, текширувчилар устидан текширувчилар қўйган билан порахўрлик иллати камаймайди, аксинча, баттар авж олади. Қолаверса, биз бундай даврларни бошдан кечирганмиз. Бир эсланг, шўро замонида қанчадан-қанча текширувчи идоралар бор эди: давлат контроли, халқ контроли, уларнинг устидан текширадиган партия контроли. Жойларда, шаҳар-туманларда уларнинг ажирикдек тармоқлаб кетган яна кўпдан-кўп бўлимлари мавжуд эди. Бундан ташқари, райком бюролари, милиция, прокуратура, КГБ, ОБХСС...

Мана шундай тоталитар назорат муҳитида ҳам зўравонлар ўз билганидан қолмаган, порахўрлар ўз қилмишини давом эттираверган. Бундай иллатлар, айниқса, коммунист мансабдорлар орасида ўтакетган даражада авж олган эди.

Биз бугун турли хил назоратчилар, текширувчилар, тергувчилар ва шунга ўхшаганларнинг сонини қанча кўпайтирсак, ишончим комилки, порахўрлик баттар авжига чиқади.

САВОЛ: Бундай ҳолатларнинг олдини оладиган, уларнинг давлат ва жамият манфаатларига етказадиган зарарли таъсирини бартараф этадиган восита борми? Бу масалада бизнинг йўлимиз қандай бўлиши керак?

ЖАВОБ: Менинг назаримда, бу муаммонинг ечими қуйидагилардан иборат.

Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга қишан бўлиб турган эски асоратлардан холи бўлган, замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак.

Иккинчидан, ижтимоий ҳаётда демократия талаблари ва тамойилларини тўла қарор топтириш, давлат ва давлат идоралари ишини демократик принциплар асосида ташкил этиш. Бунда бутун дунё тажрибасида ўзини оқлаган усул — ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятидан иборат мустақил уч тизимга тақсимлаш ишини амалда рўёбга чиқариш зарур. Жойларда ҳам ҳар қайси бўғинда шу тақсимот оғишмай жорий этилмоғи шарт. Бу уч тизим бир-бирининг ишига аралашмасдан, бир-бирини назорат қилган ҳолда фаолият олиб боришига эришиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — **халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир.**

Мана шу принциплар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган тақдирдагина ҳар хил суиистеъмолликларга қарши самарали ва изчил кураш олиб бориш мумкин.

Бугун биз тўқнаш келган вазиятни тубдан ўзгартиришнинг **яна бир муҳим шарти - бу мулк масаласини ҳал қилишдир.** Яъни мулк ўз эгасини топиши даркор. Ҳаётимизда ва ишлаб чиқаришда хусусий мулк бошқа мулк шакллари — давлат мулки, жамоа мулки, акционерлик мулки ва ҳоказолар орасида асосий устувор ўринни эгаллаши керак. Қачонки, шу мақсадни тўла амалга оширa олсак, давлат мулки ҳисобидан ўғирлик, талон-тарож қилиш, ундан нопок йўлда фойдаланиб меҳнатсиз даромад орттириш каби бемаъни ишларга чек қўйиш мумкин бўлади. Аминманки, ҳеч ким ҳеч қачон ўз мулкини ўғирламайди ёки ўз мулкига хиёнат қилмайди. Бу — ақлга сиғмайдиган ҳодисадир.

Хусусий мулкдор устидан назоратчининг ҳам кераги йўқ. Чунки бош назоратчи — унинг ўзи. Қонун асосида ишласа бас, ўз вақтида солиғини тўлаб борса, бўлди. Қанча даромад топса, топаверсин.

Муаммонинг **тўртинчи ечими** шундан иборатки, биз жамиятимизда ҳақиқий маънодаги кўп партиявийлик муҳитини тезроқ шакллантиришимиз зарур. Чунки партиялар, турли хил нодавлат ташкилотлар дегани — бу жамоатчилик дегани. Демак, кенг жамоатчиликнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсирини, ўрни ва ваколатини, ҳуқуқини кучайтириш, унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш лозим.

«Тафаккур» журналида эълон қилинган суҳбатда билдирилган «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» деган фикримнинг моҳияти ҳам аслида шу.

Биз адолатли, демократик жамият қурмоқчи эканмиз, бир ҳақиқатни асло ёддан чиқармайлик: **тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда пешқадам зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намояндаларининг, масъул хизматчиларимизнинг ғайрати, жасорати, ақл-заковати билан рўёбга чиқадиган мураккаб ишдир.**

Бу борадаги энг муҳим ва оғир масалалардан бири шуки, демократик тамойилларни жорий этишда асрлар синовидан ўтган, бугунги ҳаётимиз талабларига хизмат қиладиган, танлаб-саралаб олинган миллий қадриятлар ва умумбашарий тажрибаларни табиий равишда уйғунлаштира олишимиз лозим.

Масаланинг **яна бир ечими** фикр эркинлиги, сўз эркинлиги билан боғлиқ. Жамият аъзолари ўз фикрини эркин ифода эта билиши, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, шу ҳуқуқларнинг амалда таъминланиши учун кафолат яратиш — бизнинг бугунги энг муҳим вазифамиз бўлиши лозим. Одамларнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеини эгаллаши даркор.

Яна такрор айтаман: агар жамият назоратини ташкил этолмасак, яъни жойларда давлат идоралари устидан жамоатчиликнинг назоратини ўрнатишга эришолмасак, бундай нохуш ҳолатларни таг-томири билан тугатишнинг имкони бўлмайди. Бу касаллик, бу балога қарши курашишнинг бундан бошқа йўли йўқ.

Бунга эришиш учун эса аввало жамоатчилик вакилларининг сиёсий, ижтимоий савиясини ўстириш керак. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. **Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш** асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Бугун одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Самарқанд ва Навоийда бўлиб ўтган сессияларда кўтарилган масалалар муҳокамаси мен учун нақадар оғир кечганини, юрагимга нақадар қаттиқ ботганини яшириб ўтирмайман.

Шу йиғилишларда ҳозир бўлган депутатлар ва иштирокчилар олдида сўзлаганда мен миллионлаб одамларимиз, бутун заҳматкаш халқимизни кўз олдимга келтириб, хаёлимда уларни тасаввур этиб гапиргани-мни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, доно, меҳнаткаш, сабр-тоқатли халқимиз оқ билан қорани ажрата олиш фазилатига эга, энг муҳими, унга тўғри йўл кўрсатилса, адолат тарозиси одил ва маҳкам тутилса, ҳар қандай синовдан ёруғ юз билан ўта олиши муқаррар.

Оддий бир фермер, шифокор, ўқитувчи ё бўлмаса, Нуротанинг чекка бир қишлоғи вакиласининг мамлакат Президентига ишонч, ҳурмат билдириш билан бир қаторда минбарга чиқиб ўз фикрини эркин, дадил ифода этиши мени қувонтирди. Ана шундай дамларда умрим, борлиғим мазмуни бўлган — озод, демократик, фаровон жамият қуриш йўлидаги ҳаракатларим мева бераётганидан, тобора оммалашаётганидан, юртимизнинг энг олис жойларида ҳам ўз тарафдорларини топаётганидан кўнглим таскин топди. Шундай одамлар, шундай халқимиз бор экан, улар билан ҳар қандай қийинчиликларни, ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш мумкинлигини ҳис этиб, кучимга куч қўшилди.

Очиқ айтиш керакки, рўй берган бу жирканч ишларнинг сабабларидан бири — маънавият, таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган ишларимизнинг ҳали талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Қатъий ишонч билан айтиш лозимки, **маънавий бойлик — моддий бойликдан минг бор устун.** Шу боис биз таълим-тарбия масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндашмоқдамиз. Кадрлар тайёрлаш ҳақида қабул қилинган Миллий дастур ҳам моҳият эътибори билан шу мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Такроран айтаманки, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Кўриниб турибдики, бизнинг мақсад вазифаларимиз, асло кечиктириб бўлмайдиган ишларимиз ниҳоятда кўп. Уларни амалга ошириш учун бутун халқимиз, жамоатчиликнинг куч ва саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур.

Биринчи галда соғлом фикрловчи, шу азиз Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор масъулиятни зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, фидойи, изланувчи ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш зарур.

Агар биз замон билан ҳамнафас яшамоқчи бўлсак, дунёдаги бошқа халқлар, бошқа миллатлардан кам бўлмасликни, аксинча, улар билан тенг, эркин, ҳамкор бўлиб умр кечиришни истасак, фарзандларимизнинг бахту камолини кўрмоқчи бўлсак, ҳаётимизда адолат, фаровонлик, маънавий собитлик қа-рор топишини хоҳласак, йўлимизда дуч келиб, улуғ ва эзгу ишларимизга халал бераётган турли иллатлардан халос бўлишимиз, уларга қарши қатъият, сабот-матонат, жасорат билан биргаликда кураш олиб боришимиз шарт.

Биз орзу қилаётган фаровон, озод ва обод ҳаётга эришишнинг асосий шарти шуки, унинг қонун-қоидаларига, талабларига бўйсуниб, риоя қилиб яшаш керак. Акс ҳолда умуминсоний тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб, яна ўша оғир муаммолар гирдобида қолиб кетиш хавфи бор.

Нақадар аччиқ бўлмасин, бу — ҳаёт. Бу —ҳақиқат.

Бугун замон барчамиздан мана шу саволларга жавоб кутмоқда. Буни ҳаммамиз теран англашимиз ва унга муносиб жавоб беришимиз керак.

• *Кадрлар - ислоҳот таянчи*

Мустақил Республикамизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида олиб борилаётган улкан ишларни амалга оширишда прокуратура идоралари зиммасига юклатилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилишдек масъулиятли вазифани, айниқса фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни бекаму-кўст, мувафақиятли адо этиш, энг аввало, кадрларга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

ҚАТЪИЯТ БИЛАН

Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва уларни жой-жойига тўғри қўйиш бугунги куннинг энг муҳим, долзарб масаласи эканлиги Президентимиз Ислом Каримов томонидан 1998 йил 3 июнь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидланди.

Шу талабдан келиб чиқиб, Республика прокуратураси томонидан прокуратура идораларини малакали, касбига садоқатли, халол, ёш, иқтидорли кадрлар билан тўлдириш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар қатъийлик билан амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида барча прокуратура идоралари тизимида кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган ишларда ижобий ўзгаришлар сезилмоқда.

Ходимларни аттестациядан ўтказиш мақсадида тузилган махсус инспекциялар ҳамда қонунчилик муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш Марказ/нинг кадрларни тарбиялаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласидаги фаолиятини тубдан яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Махсус инспекциялар ҳақидаги низом қайтадан кўриб чиқилиб, янгиланди. Ходимларнинг шахсий хислат ва ишчанлик қобилиятларини ҳар томонлама, чуқур ўрганиб, эгаллаб турган лавозимларига лойиқ ёки нолойиқлигига холисона баҳо бериш, уларнинг сафини касбига номуносиб шахслардан тозалаш инспекцияларнинг бош вазифаси қилиб белгиланди.

1998 йилнинг ўтган 9 ойида махсус инспекциялар томонидан 447 нафар прокурор-тергов ходимларининг аттестация лойиҳалари муҳокама қилиниб, уларнинг 38 нафари эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 190 дан ортиқ прокурор-тергов ходимлар малакасини ошириш учун ўқув Марказида ўқитилиб, натижаси бўйича қабул қилинган синовларда улардан 19 нафарининг билими назоратга олинди.

Хуллас, кадрларни танлаш, тайинлаш ва малакасини ошириб боришнинг бугунги кунда долзарблиги ва муҳимлиги инобатга олиниб, бу ишнинг янада самарали бўлиши юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда.

Барча прокуратура ходимлари ўзларига юклатилган юртимизда қонунларнинг устуворлигини таъминлашдек масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифани тўғри тушуниб, бу борада сидқидилдан меҳнат қилишмоқда, буни халқимиз яхши билади.

Лекин орамизда прокуратура ходими деган юксак номга доғ тушуриб, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этаётган ходимлар ҳам баъзан бўлса-да, учраб турибди.

Бундан кейин ҳам прокуратура идоралари ходимларини ўз вазифасига садоқатли ва ҳар қандай қонун бузилишларига муросасиз бўлишини таъминлаш, улар томонидан суиистеъмолчиликларга йўл қўйилишининг олдини олиш, ходимларнинг сафини касбига нолойиқ шахслардан тозалаш ишлари қатъийлик билан олиб борилаверади.

Даврон САЙИТКУЛОВ,
Республика Прокуратураси кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

• *Акс-садо*

ЭСКИ АНЪАНАЛАРГА - ЯНГИЧА МАЗМУН

Наҳор оши бериш маросими байрам анъаналаридан келиб чиққан. Бу маросимга асосан, энг яқин қариндошлар, дўстлар, қўни-қўшнилар таклиф қилинган. Муваффақият гарови деб ҳисобланган эрталабки ошдан сўнг яхши кайфият билан ишга кетилар эди.

Аммо, кейинги вақтда ана шу яхши анъанамизда маънавиятимизга зид бўлган ҳолатлар учрамоқда. Жумладан, наҳор оши ҳар қандай сабаблар билан берилиб, манманлик ва ўзини бошқаларга намойиш қилиш одатига айланди. Бундай наҳор ошларнинг сони ҳам кўпайди. Шундай ҳолга келиндики, бир кишига 10-15 жойдан таклифномалар келади. Ҳамма таклиф қилинган маросимларга улгуришнинг ўзи бўлмайди. Устамонлар хўжакўрсинга ҳамма наҳорги ошларга борадилар-да, кўпчилик билан кириб, шу вақтнинг кўпроқ гуруч дамлаши мусобақага айланиб кетди. Ўзбекистонда азалдан нонга, нозу-неъматларга тежамкорлик билан қаралган. Нонни исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланган. Афсуски, баъзи маросимларда тайёрланган овқатларнинг турлари кўплигидан истеъмол қилинмай ташлаб юборилади.

Наҳор ошига тайёргарлик кўриш учун кечки «сабзи тўғрашлар» дабдабали маросимга айланди. Тўй тантаналари уч ва ундан ортиқ кунларга чўзилиб кетадиган бўлиб қолди. Айниқса, ҳаром йўллар билан топилган пулларнинг сочиб ташланиши, пулларнинг устида ўйинга тушиш атрофдагиларнинг нафратини



Келинлар зийнати ибо-хаёда.

ўзида чиқаётганлар билан қайтиб, гўё ҳаммасига қатнашиб улгургандай бўладилар. Аксарият тадбирларда таклиф қилинганларнинг кўплигидан узоқ навбатда туришга тўғри келмоқда.

Наҳор оши тахминан соат 4 да бошланиши муносабати билан ҳаммасига улгуриш учун бир соат олдин уйқудан туришга тўғри келади. Футбол бўйича жаҳон биринчилиги учун бўлган мусо-бақа кунлари ишкибозлар футбол ўйини тугагач, ухламасдан ошга қараб чопишган. Инсон физиологияси қонунига биноан соғлом одам тўла қонли фаолият кўрсатиши учун 8 соат ухлаши зарур. Бўлмаса, бу ҳол асаб чарчаши ва бошқа касалликлар-нинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Наҳор ошига бегона кишилар ҳам таклиф қилинадиган бўлиб қолди. Даста-даста таклифномалар тарқатила бошланди. Ким кўзғайди. Тўй хурсандчилик маросими бўлмай, кишиларга малол келадиган бўлиб қолди. Юқоридаги каби номақулчиликларнинг авж олиши ёшлар тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсата бошлади.

Айниқса, бу исрофгарчилик маърака-маросимларда пайшанбалик, уч, етти, йигирма, қирқ, биринчи ҳайит ва йил ошларида рўй бермоқда. Бу маросимлар тантанали тадбир сифатида ўтказилиб, тўйга ўхшаб қолди.

Шуни таъкидлаш зарурки, бу исрофгарчилик биронта мусулмон давлатида учрамайди. Бундай маросимлар динимизда ҳам кўзда тутилмаган, бу ҳол миллий урф-одатларимизга путур етказади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 28 октябрда имзоланган Фармони ўз вақтида қабул қилинган муҳим юридик ҳужжатдир. Уни амалга оширишда қатъият ва изчил бўлиш билан бирга, асло ҳайбаракаллачиликка берилмаслик керак. Чунки, ортиқча талабчанлик тарки дунёчилик ғояларини тарғиб қилишга ва энг ёмони тўйларни диний ақидалар асосида ўтказишга йўл очиб бериши мумкин.

Фармон тўйларни, оилавий тантаналарни, маҳҳумлар маъракасини ва турли маросимларни маълум бир тартиб доирасида ўтказишни ман қилмай, динимизнинг ҳақиқий моҳиятини, урф-одатларимизни, қадриятларимизни тарғиб қилишни, янги, намунавий анъаналарни ўтказиш ва ҳаётга жорий қилишни тавсия қилади.

Мазкур Фармонга мувофиқ Республика прокуратураси идоралари томонидан фақат давлат ташкилотлари, маъмурий-ҳуқуқ органлари, маҳаллий ҳокимиятлар раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан алоҳида дабдабабозлик ва ҳаддан ташқари исрофгарчилик, халқ урф-одатларини ва атрофдагилар эҳтиёжларини менсимаган ҳолда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш ҳолатлари текширилади.

Фармон ўзининг эҳтиёжидан ортган маблағни муҳтожларга ҳайрия қилишни кўзда тутади. Бу ўз навбатида халқимизнинг урф-одатларига мос келади. Ислом динида ҳайрия қонун тусини олган.

Ахир, бундай тўй-маросимларга сарф қилинган маблағларнинг бир қисмини аҳолиларни олишга, гулзорларни, ариқларни тозалашга, кўчаларни обод қилишга сарфлаш мумкин-ку?!

Стадионларни, биз ўзимиз ўқиган мактаб дарсхоналарини тузатиш учун кўп маблағ кетмайдику! Бу сарф-харажатлар ҳисобига болаларимиз қатнайдиган боғ-чаларни таъмир қилиш мумкин-ку?!

Исрофгарчиликка йўл қўйиб, одамларнинг нафсониятига тегиб, сохта обрў-эътибор қозонгандан кўра, ана шундай ҳайрли ишлар билан эл оғзига тушиш афзал эмасми?

Д. ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

• *Сирдарё вилоят прокуратурасида*

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Сирдарё вилоят прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида Республика Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, маҳҳумларнинг хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш ҳақида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Эшмамат Бердимуродов маъруза қилди.

Йиғилишда тўй-ҳашам ва маросимларни тартибга солишда прокуратура идораларининг иштироки, бу борадаги қонун бузилишларининг олдини олиш вазифалари атрофлича муҳокама этилди. Вилоят прокуратурасининг масъул ходимлари, шаҳар ва туман прокурорлари йиғилишда сўзга чиқиб, кўрилган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, йиғилишда 1997 йил ва шу йилнинг 9 ойида судларга регресс тартибда даъво аризаси киритиш ва уларнинг судда кўрилишининг аҳволи ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳақда вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Холиқ Абдуғаффоровнинг ахбороти тингланди.

МАҚСАД - ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Вилоят прокуратурасида маҳкамаларараро йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг шаҳар, туман ҳокимликларида васийлик ва ҳомийлик ҳамда фарзандликка олиш ҳақидаги қонунлар ижросининг аҳволи;

- вояга етмаганларни ички ишлар идораларига олиб келиш ва ҳисобга олишнинг қонунийлиги тўғрисидаги;

-вилоят ҳудудида вояга етмаганлар, шунингдек, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган шахслар томонидан жиноят содир этилиши ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Р. Таматаева ахборот берди. Шундан сўнг вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р. Мўминов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари Ф. Шерназаров, халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини З.Худоёрова, ички ишлар бошқармаси вояга етмаганлар нозирлигининг катта нозири Х.Абдуллаев, вилоят прокуратураси маҳкамаси бўлим ва тармоқ бошлиқлари ҳамда шаҳар, туман прокурорлари сўзга чиқдилар.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ш. НОРЖИГИТОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни мужассамлаш бўйича катта ёрдамчиси.

• *Прокурор протест келтиради*

НИЗОЛИ УЙ

Навоий шаҳар прокурори жавобгар Г. Бобомуродовага тегишли васиятномани ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида шаҳар судига даъво аризаси киритган эди. Фуқаролик иши материалларига кўра, марҳум А.Штенглер шаҳардаги «Арична» кўчаси 26«а» уйининг 4-хонадонида яшаб келган. Унинг вафотидан олдин жавобгар Г. Бобомуродова 1993 йил 26 августда шаҳар нотариал идораси орқали А. Штенглер номидан қонунсиз равишда васиятнома ёздириб олгани ва ушбу васиятнома мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг расмийлаштирилганлиги, ундаги имзо суддастхат экспертизасининг хулосасига кўра, марҳум Штенглерга тегишли эмаслиги аниқланган. Фуқаролик иши Навоий шаҳар судида кўрилиб, даъво қаноатлантирилган. Бироқ, Навоий вилоят суди-нинг 1996 йил 26 декабрдаги ажримига асосан шаҳар судининг ушбу ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янгидан кўришга қайтариб юборилган ва шаҳар судининг 1997 йил 14 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво рад этилган.

Республика Бош прокурори ўринбосари вазифасини бажарувчи томонидан шаҳар судининг ушбу ҳал қилув қарори устидан протест келтирилди.

Шуни айтиш керакки, ишни кўришда суд томонидан ФПК-нинг (эски таҳрирдаги) 15,53-моддалари талаблари бузилиб, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама аниқлаш чоралари кўрилмаган. Иш учун зарур бўлган қўшимча далиллар, ҳужжатлар талаб қилиб олинмаган, гувоҳлар жалб қилинмаган. Фақат жавобгар, гувоҳ, эр-хотин Шабалинлар ва нотариусни сўроқ қилиш билан кифояла-нилган. Натижада ғайриқону-ний қарор қабул қилинган.

Навоий шаҳар 1-сонли нотариал идорасининг 1997 йил 13 февраль кунги 48-сонли маълумотномасидан кўрини-шича, 1993-96 йилларда фуқаро А. Штенглер номидан васиятнома расмийлаштирил-маган, ҳеч кимга қонун бўйича ворислик гувоҳномаси берил-маган.

Гарчи, даъво аризасидан, нотариус С.Ҳакимованинг суддаги баёнотларидан ва юкоридаги маълумотномадан низоли васиятнома давлат рўйхати (реестри)да қайд этилмаганлиги очиқ-ойдин кўриниб турган бўлса ҳам суд бу васиятномани ғайриқонуний равишда ҳақиқий деб топган.

Иш материалларига кўра, даъво шу низоли хонадонга нисбатан манфаатдор бўлган Навоий шаҳридаги «УМ и АТ» ташкилотининг аризаси асосида қўзғатилган, чунки низоли хонадон марҳум А. Штенглерга шу ташкилотнинг розилиги билан хусусийлаштириб берилган. Лекин ФПК(эски таҳрирдаги) 30, 37, 270-моддалари талабларига хилоф равишда ушбу манфаатдор ташкилот ва Навоий шаҳар ҳокимияти вакили ишга жалб этилмаган.

Бўлғуси суд мажлисида ишга қўшимча гувоҳлари, васиятнома юзасидан хулоса берган эксперт Ефремовани жалб этиб, юқорида кўрсатилган камчилик ва хатоларни бартараф этиш, тўпланган даллиларга кўра, нотариал идорасидан рўйхатдан ўтмаган қалбаки васиятномани берган ва ундан фойдаланган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласини ҳал этиш ва иш юзасидан қонуний қарор қабул қилиш лозим бўлади.

Ушбу протест Навоий вилоят суди раёсатининг қарори билан қаноатлантирилди ва фуқаролик иши бошқа суд таркибида янгидан кўриш учун шаҳар судига юборилди.

Ойгул ОТАЖОНОВА,
Республика прокуратураси бўлимининг катта прокурори.

• *Маънавиятни эъзозлайлик*

«ВИДЕОҚАРОҚЧИЛИК»КА ТЎСИҚ ҚЎЯЙЛИК

Турмуш фаровонлиги даражасини аввало, иқтисодий муносабатлар белгилаб бериши шубҳасиздир. Ўз навбатида, инсон онги ва маънавияти иқтисодиёт ва жамиятнинг ривожланишига, турмуш фаровонлигига таъсир кўрсатувчи энг асосий омиллардан биридир. Шу боис, мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки маънавий ислоҳотларга устивор аҳамият берилмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган улкан ишлар ортида маънавият тобдек таянч бўлиб турибди. Лекин маънавий қашшоқлик қаердан келиб чиқади? Айниқса, ёшларнинг тарбия ва одобига таъсир кўрсатаётган айрим салбий ҳолатларнинг сабаблари нимада? Гап шу хусусда.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига аъзо бўлиши натижасида чет элларга эшиклар кенг очилди. Юртимизга турли-туман товар-моддий бойликлар билан биргаликда, кўплаб кино ва видео маҳсулотлари кириб келмоқда. Юртдошларимиз турли ва ранг-баранг хорижий фильмлардан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлдилар.

Афсуски, Россия, Қирғизистон республикалари, шунингдек, вилоятлар телевидениелари орқали намойиш этилаётган баъзи чет эл кино ва видео фильмларида зўравонлик, тан жароҳати етказиш, қийнаш, одам ўлдириш, портлатиш, қўпорувчилик ҳамда беҳаёлик тарғиб қилинмоқда.

Албатта, дунё киноюлдузлари ҳисобланган Шварцнеггер, Сталлоне, Ван Дамм, Поль Мондо ва бошқаларнинг иштирокидаги фильмларга одамларнинг ихлоси баланд. Уларнинг маҳорати таҳсинларга сазовор.

Лекин, кўп фильмлар АҚШ, Европа ва бошқа ривожланган мамлакатлар студиялари маҳсулотлари бўлишига қарамай, мазмуни саёз ва савияси паст. Бундай кино маҳсулотлари мамлакатимизга қандай қилиб кириб қолганига эътибор қаратаётганимиз. Бунинг устига уларнинг таржимаси бадиийлик талабларига кўпинча жавоб бермайди.

Билишимча, жангари, ваҳимали ва беҳаё фильмларни ишлаб чиқараётган мамлакатларнинг ўзида уларни кўр-кўрона, ёппасига намойиш этишга рухсат берилмаган экан. Аксинча, махсус бир каналда белгиланган вақт мобайнида намойиш этилар экан.

Видеофильмлар, шубҳасиз, бир томондан «видеоқароқчилик» йўли билан кириб келаётган бўлса, иккинчи томондан, қайсидир давлатларнинг кўпорувчилик ва бузғунчиликни мақсад қилиб олган махсус хизматлари томонидан бизга ўтказиб юборилиши ташкил қилинаётганга ўхшайди. Мақсад, бизларнинг дунёқарашларимизга таъсир кўрсатиш, аҳлоқ ва қадриятларимизни вайрон қилиш, ёшлар тарбиясини бузиш ва уларни чалғитиш билан миллат, мамлакатимиз тараққиётига тўсқинлик қилишдан иборат.

Кейинги йилларда ўзбек миллий киночилиги бирмунча оқсаб қолгандай кўриняпти. Маънавият ва қадриятларни ўзида мужассам этган умрбоқий «Маҳаллада дув-дув гап», «Мафтунингман», «Ёр-ёр», «Ўтган кунлар», «Тўйлар муборак» каби замонавий миллий, ўзбек фильмларининг яратилишини халқимиз орзиқиб кутаётгани сир эмас. Бугунги кун муаммоларини акс эттирган, ҳаётимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни қадрлайдиган ва салбий кўринишларни қоралайдиган «Кўнгил кўчалари», «Бурч», «Тойчоқ», «Чархпалак» телесериалларни ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган бўлса керак.

Чет эл сериаллари орасида бир неча йиллардан бери давом этиб келаётган «Санта-Барбара» фильмини, менимча, мухлислар тарк этдилар. «Морена Клара» ва бошқа Мексика сериаллари асосан кундалик ташвишлар, ўзаро муносабатлардан иборат бўлибгина қолмай, ким-кимни севиб қолдию, ким-кимга хиёнат қилди, деган гаплар билан суғорилган. Бу одамларни чалғитиш, қимматли вақтларини беҳуда ўғирлаш эмасми? Бу фильмлардан томошабинлар ўзларига нима олдилар? Бу - аёл ва эркак ўрталарида муқаддас ҳисобланган тенглик ҳуқуқларини ўзбошимчалик ва масъулиятсизликка алмаштириш эмасмикан?

Яхши сериаллар оз эмас. Биргина кейинги пайтда Ўзбекистон ва Россия жамоатчилик телевидениелари орқали такрор намойиш этилган Туркиянинг «Чоликуши» фильми кино санъатининг кўрки ва бойлиги эканлигини эътироф этиш кифоядир.

Дунёда фильм ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринда турган Ҳиндистон фильмлари хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Кейинги йилларда улар юлдузлик ва даромад олиш кетидан қувиб, енгил-елпи, ҳаёсиз ва ёқимсиз мусиқалардан иборат фильмларни кўплаб ишлаб, ўз обрўларига анча путур етказиб қўймоқдалар.

Ҳиндистоннинг ўзида энг юқори ўринни олган, гўзаллик, дўстлик, муҳаббат ва инсонийликни таранним этувчи ҳинд фильмларинигина намойиш қилиш мақсадга мувофиқдир.

Зеро, халқимиз ҳанузгача «Сангам», «Садоқат», «Дунё», «Филлар менинг дўстларим», «Бобби», «Қасос ва қонун» ва шу сингари кўплаб фильмларни орзиқиб томоша қилади. Кейинги пайтларда ишлаб чиқилган юзлаб фильмлардан фақат «Жаннат», «Фирибгар», «Ёвуз», «Дил», «Яна ёдимга тушдинг», «Девона» каби реал воқеликка асосланган фильмлар эътиборга лойиқдир.

Мультфильмлар хусусида тўхталиб ўтмасак, адолатдан бўлмас. Улар ёш авлод онгини шакллантириш ва тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўп серияли хорижий мультфильмларнинг аксарияти («Арвоҳ овловчилар», «Том ва Жерри» ва ҳ.к.)қанчалар қизиқарли ва ранг-баранг бўлмасин, улар асосан эрмак ва чалғитиш учун яратилган, уларнинг тарбиявий жиҳатлари етарли эмас. Шундай экан, миллий мультфильмлар яратишга эътиборни кучайтириш зарур.

Албатта, фильмларни кўриш ёки кўрмаслик ҳар кимнинг шахсий ҳуқуқидир. Бироқ, уларни мамлакатимизга олиб кириш, намойиш этиш, тарқатишни тартибга солишга зарурат борга ўхшайди.

Ваҳоланки, юртимизда экспорт комиссияси баҳоламаган видеоёзувли кассеталарни сотиш таъқиқланган ва бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 167-моддасида жавобгарлик белгиланган. Бизнингча, юртимизга кириб келаётган ҳар бир хорижий фильм белгиланган тартибда рўйхатга олиниши, махсус эксперт комиссиясидан ўтказилиши, шундан сўнг уларни сотиш, кўрсатиш ёки улардан фойдаланишга рухсат берилса мақсадга мувофиқдир.

Кино ва видео фильмлар орқали кириб келаётган «маънавий қўпорувчилик»дан халқимизни, айниқса ёшларимизни асраб-авайлаш, бунга қонун йўли билан тўсиқ қўйишнинг вақти келди.

М. ШОДМОНОВ,
Андижон вилоят прокурорининг ташкилий-назорат ва таҳлилот бўйича катта ёрдамчиси, 1-даражали юрист.

• *Ватан ҳимояси муқаддас*

БУРЧИНИ УНУТГАН ЙИГИТЛАР

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар», дейилган.

Лекин, афсуски, ана шу муқаддас бурчни ҳамма ҳам тўғри тушуниб, сидқидилдан бажараётгани йўқ. Туманимизнинг баъзи бир ёш фуқаролари муддатли ҳарбий хизматдан бўйин товлаяптилар. Масалан, Н.Аглиулин, Т.Ниёзов, И.Пак, Б.Эрманов каби масъулиятсиз шахслар баҳорги муддатли ҳарбий ва муқобил хизматдан сабабсиз бош тортганлар.

Ватанга сидқидил хизмат қилишни хоҳламаган йигитлар орасида ҳар хил йўллар билан ҳатто, жиноятга қўл уришдан тоймаганлар ҳам бор. Туман прокуратураси томонидан умумий назорат тартибида қайд этилган қонунлар ижроси текширилганда, 1973 йилда туғилган Д. исмли шахс 1998 йил 18 майдаги тиббий гувоҳлантириш ҳужжатларига асосан туман ҳарбий комиссияси томонидан муддатли ҳарбий хизматга яроқли, деб топилганлиги тасдиқланди. Лекин, у қасддан ҳужжатларни қалбакилаштириб, муддатли ҳарбий хизмат чақирувидан бўйин товлаш мақсадида шаҳар чақирув жойига келмаган. У 1998 йил 19 май куни тергов даврида ҳозирча шахси аниқланмаган «Ўрстам» исмли шахсдан 1998 йил 17 май кунидан то жорий йилнинг 3 июнь кунига қадар, шаҳар аллергия марказининг бўлимида даволанганлиги ҳақида қалбаки тиббий маълумотнома ва беморнинг касаллик тарихидан кўчирмани 2000 сўмга сотиб олган ва ушбу ҳужжатларни бўлимга тақдим этган. Шу ҳужжатлар асос қилиниб, у шаҳар ҳарбий тиббий комиссияси қарорига кўра, аллергик хасталик ташхиси билан қайтарилган ва чақириқ муддати қонунсиз равишда узайтирилган. Ҳозирги кунда унга нисбатан дастлабки тергов ҳаракатлари тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 225-моддаси, 2-қисми «б» банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айб қўйилиб, иш мазмунан кўриш учун судга юборилган.

Шу ўринда ҳақли бир савол тугилади: хўш, қайд этилган ёш йигитлар нима учун ўз йигитлик бурчларига совуққонлик билан қараганлар? Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурч, инсоний ғурур қани, дегинг келади уларга қарата.

Масаланинг яна бир томони ҳам борки, мавжуд қонунларга амал қилишни хоҳламайдиган бундай «эркатой»ларнинг пайдо бўлишида оила, мактаб, турли ўқув юртлари, қолаверса, меҳнат жамоаларининг ҳам «ҳисса»лари йўқ эмас. Тарбия, ташвиқот, таргибот ишлари яхши йўлга қўйилган оила ёки жамоада бундай ҳолат камдан-кам ҳолларда рўй беради.

1998 йил 14 сентябр куни, 1971-1980 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини 1998 йил октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил ҳарбий хизматга чақириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Ушбу қарорнинг ижро қилиниши юзасидан туман ҳарбий мудофаа бўлими тегишли идоралар билан ҳамкорликда барча ташкилий тайёргарлик ишларини кўриб қўйдилар.

М. АБИДОВ,
Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман прокурорининг ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси.

• *Изкувар сувратига чизгилар*

ТАШВИШЛАРДА БОРДЕК ҲАЛОВАТ

Сожида елиб-югуриб дастурхон тузади. Кенжатой фарзанд - Акромжоннинг туғилган кунига қариндошлар ва дўстлар жам бўлишди. Уй меҳмонларга тўлди. Бироқ, Қўчқор акадан ҳамон дарак йўқ эди. Меҳмонлар безовталана бошладилар.

- Хўжайиннинг ўзи ўғлимизнинг туғилган кунини ўтказиш учун бозор қилиб келган эдилар. Бугун ишдан барвақтроқ қайтаман, деганди. Хизматчилик, ишлари чиқиб қолган бўлса керак. Бўлмасам, аллақачон қайтган бўлардилар. Ҳали-замон келиб қолсалар керак. Дастурхонга марҳамат қилингизлар, - деди уй бекаси Сожидахон.

Шу гапдан сўнг Акромжоннинг 12 ёшга тўлиши муносабати билан чақирилган меҳмонлар ёзилиброқ ўтиришди. Даврага жон кирди. Дастурхонга ош тортилди. Гурунг қизиб кетди. Ва ниҳоят, уй эгаси ҳам эшикдан кириб келди.

- Узр энди. Кечирасизлар. Участкамда бир оилада эр-хотин ўртасида можаро чиққан эди. Шунга аралашишга тўғри келди, - деди у.

- Ишқилиб, улар ажралишамиз дейишмадими? - деб ҳазиломуз гап қотди меҳмонлардан бири.

- Йўғ-е. Дока рўмолнинг қуриши деганларидай... Оила йилида участкамда ажралишлар бўлмаса керак, - деди Қўчқор ака.

Ўша куни ўтириш қарийб 4 соат давом этди. Улар дастурхон атрофида уй эгаси келганидан сўнг давра гурунгини янада қизитдилар.

Участка нозири Қўчқор Абдурайимов кун бўйи участка ҳудудини айланиб, 5-6 хонадонда бўлган, ўнлаб кишилар билан суҳбат қуриб, уйга қайтиш арафасида оилавий можарони бартараф этиб, жуда толиққан бўлишига қарамай, оила аъзолари, қариндошлар даврасида ҳордиғи ёзилди. Негаки, бугун ҳам унинг участкасида содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинган эди.

Нарпай туман ички ишлар бўлимининг участка нозири Қўчқор Абдурайимовнинг деярли ҳар куни ана шундай ўтади.

Қўчқор Абдурайимов бундан 22 йил илгари Тошкент Давлат Автомобиль йўллари институтини битириб, иш фаолиятини Оқтош шаҳар ички ишлар бўлимининг давлат автомобиль назорати инспекторилигидан бошлаган эди. Орадан кўп ўтмай, ўша пайтда шаҳарга қарашли энг оғир участкалардан бири бўлган Лангар кўрғонига уни участка нозири этиб тайинлашди. Чунки бу пайтда Лангарда ўғирлик билан боғлиқ бўлган жиноятлар анча кўпайганди. Ёш участка нозирининг жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борган астойдил ҳаракати, қаттиққўллиги, одамлар билан тезда тил топиш қобилияти туфайли қўрғонда жиноятчилик кескин камайди. Ҳатто, мазкур қўрғон йиллар ўтиши билан намуналы аҳоли пунктларидан бирига айланди. Шундан сўнг Қўчқор Абдурайимовдаги тажрибали участка нозирига хос фазилатларни ҳисобга олган ички ишлар бўлими раҳбарияти уни навбатдаги оғир участка - Оқтош шаҳрининг темир йўл орти ҳудуди ва «Иттифоқ» маҳалласи бўйича участка нозирлигига ўтказишди. У бу ерда ҳам хизмат вазифасини сидқидилдан адо этиш билан ички ишлар бўлими жамоасининг эътиборини қозонди, аҳоли ҳурматига сазовор бўлди. Қўчқор ака қаерда ишламасин, кўпчилик билан тезда тил топиш, у ердаги ҳар бир кишининг характерини ўрганиш, қиёфасини аниқ эслаб қолишга ҳаракат қилди.

- Кунларнинг бирида ички ишлар бўлимига темир йўл орти ҳудудида мол ўғирлиги содир бўлганлиги ҳақида хабар келди, - дейди участка нозири, милиция майори Йўлдош Қодиров. - Тезкор гуруҳ воқеа содир бўлган жойга етиб борди. Ўғрининг изи топилди.

- Ие, бу ўғирликни ўзимизнинг «мак-мак» қилибди-ку, - деди мийигида кулиб Қўчқор ака.

- «мак-мак» деганингиз ким? Бу ўғирлик айнан ўша киши томонидан содир этилганини қаердан билдингиз? - сўрадик ундан.

- Бу ерда «мак-мак» лақабли бир чўлоқ киши яшайди, - деди Қўчқор. - Изларига эътибор беринг, бири ерга ботиб кетган. Иккинчиси эса юзага босилган.

Шунда ҳамма бирдан кулиб юборди. Участка нозирининг шунчалик синчковлигига қойил қолдик. Ўғри орадан 15 дақиқа ўтгач, қўлга тушиб, айбига иқрор бўлди.

Қўчқор Абдурайимов айни пайтда «Ғалаба» жамоа хўжалиги ва Мирбозор қўрғонида участка нозири сифатида фаолият кўрсатаяпти. У бу ерда ҳам ўзининг ички ишлар бўлими ходимига хос ҳушёрлиги ва сезгирлиги билан ҳурмат-эътибор қозонмоқда. Участкада содир бўладиган бироита ҳам жиноят очилмасдан қолмайди.

Яқинда хўжаликнинг Пускарон қишлоғида яшовчи Шокир Каримовнинг сигири йўқолиб қолди. Нозир ўғрининг изига тушди. У шу қишлоқда истиқомат қилувчи Султон Каримовнинг бир даврада «ҳар қандай қопоғон ит» ҳам олдига қовурилган гўшт ташланса, бегона кишига ташланмаслигини, бундай пайтда ўша хонадондан иложи топилса ҳамма нарсани ўмариб кетиш мумкин» деб мақтанганини эшитиб қолади. Бу ўғирликни ундан гумон қилади. Адашмаган экан. Орадан кўп ўтмай, Шокир Каримовнинг сигирини Султон Қаюмов хамкишлоғи Хазрат Раҳимов билан тил бириктириб, ўғирлаб кетганликлари маълум бўлди. Бу гал Шокир Каримовнинг сигири ёнига боғланган қопағон ити олдига ташлаган қовурилган гўшт ўғриларга панд берди.

Участка нозири Қўчқор Абдурайимовнинг хизмат фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

У фақат жиноятларни очибгина қолмасдан, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳам ибратли фаолият кўрсатаяпти. Тез-тез жамоатчилик орасида, мактабларда, маҳаллаларда бўлиб, жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқда. Қўчқор ака кўплаб ёшларнинг севимли устози. Нарпай туман ички ишлар бўлимининг участка нозирлари - милиция капитани Шавкат Тошев, милиция лейтенанти Малик Бобожонов, нозирлар бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Бердиёр Шодиевлар уни ғамхўр ва меҳрибон устоз сифатида бениҳоя ҳурмат қилишади. Тез-тез ундан маслаҳатлар олиб туришади.

Қўчқор аканинг аҳоли осойишталигини сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари муносиб тақдирланмоқда. У кўп йиллик самарали фаолияти эвазига «Милиция аълочиси» , «Республика ички ишлар вазирлигида хизмат кўрсатган участка нозири» нишонларига сазовор бўлди. Яқинда эса участка нозири Қўчқор Абдурайимовга милиция подполковниги унвони берилди.

Ҳа, Қўчқор ака эл ташвишини ўз ташвишидан устун қўйиб, ана шу ташвишлардан ҳаловат топиб яшаётган осойишталик посбонларидан биридир.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
Республикада
хизмат кўрсатган журналист.

• *Нигоҳ*

ҚАМОҚ ЖАЗОСИ УМРБОД... ЭМАС

Германиянинг жиноят ва жазо қонунлари тизими ўзига хос жиҳатларга эга. Масалан, немис қонунчилигига кўра, биринчи марта жиноят содир қилган шахс, агар жинояти оғир бўлмаса, аввал пулли жаримага тортилади. Иккинчи марта жиноят қилса, шартли жазо олади ва учинчисидагина озодликдан маҳрум этилади.

Панжара ортига тушган маҳкум эса икки ойдан кейин баъзи енгилликларга эга бўлади. Масалан, унинг сайр вақти 4 соатгача узайтирилиши мумкин. Кейинчалик эса, муайян шартлар билан икки-уч ҳафталик таътил олиш, турмадан ташқарида ишлаш имкониятига эга бўлади.

Германия қонунчилигига мувофиқ, маҳкум жазо муддатининг учдан икки қисмини ўтагач, озодликка чиқиши мумкин. Маҳкумларнинг 30 фоизи ана шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

1981 йилда муддатидан олдин озодликка чиқиш ҳуқуқи умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳкумларга ҳам берилди. Лекин, бунинг учун маҳкум жазо муддатининг камида 15 йилини панжара ортида ўтаган бўлиши керак. Одатда, Германияда умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳкумлар турмадан 15-20 йилдан сўнг ёруғликка чиқадилар.

Хориж матбуоти материали
асосида тайёрланди.

• *Ҳар кимки ёмон бўлса...*

САФАРИ ҚАРИГАН МЕҲМОН

Иштўхта ўзи меҳмон бўлиб турган хонадон дарвозасини шиддат билан тортиб очди-да, ўзини ичкарига олди. Унинг бежо кўз қарашларида аллақандай ҳадик аломатлари яширинганди.

Ҳовли тўридаги оғилхона ёнида боғланган ит ўзини дарвоза томонга отиб, ипни узғудай ҳолатда акиллай бошлади.

- Ёт, Сиртлон, бас қил. - Итга ҳавойи ўқталиш қилди Иштўхта.

Боғлиқдаги жонивор безовта акиллашини ҳа деганда қўявермади. Чунки, у сафари қариган меҳмоннинг сиқилган мушти, кийим-кечаги ва эгнида бўлган иссиқ қон ҳидини аллақачон сезганди...

Одатда, инсон ёши элликни қоралаб қолган чоғда бир тўхтамга келиб, қолган ўткинчи умрини озми-кўпми эзгулик ишларига бахшида қилишга интилади. Иштўхта Хожаев эса ширин-шакар тўрт фарзандига ноёна бўлиш ўрнига, мақсадсиз ҳаётида фақат бугунги қизиқчоғлигини ўйловчи тараллабедод чиқиб қолди.

Муқаддам судланган бу шахс бирор тайинли меҳнат билан шуғулланишни ўзига эп кўрмай келди. Иштўхта 1997 йил 17 декабрь куни Самарқанд вилояти Пахтачи туман Навбаҳор жамоа хўжалигида яшовчи қариндошларникига меҳмон бўлиб келади ва шу ерда яшаб туради. Тарки одат амри маҳол, деганларидек, «меҳмон» бу ерда ҳам жону дили бўлган «зам-зам» сувидан ичиб олиб, жамоат орасида хурмача қилиқларини кўз-кўз қила бошлайди. Орадан кўп ўтмай, яъни 29 декабрь куни соат 13-14 лар чамаси Иштўхта маст ҳолда туманнинг «Навбаҳор» жамоа хўжалиги идораси атрофида пайдо бўлади ҳамда маҳаллий аҳоли осойишталигига путур етказади. У ерда фуқаро Норбобо Жўраевни «Сен нима учун менинг Гулжаҳон келинимга шилқимлик қиласан, хўроз бўлиб қолдингми» дея даҳанаки сўзлар билан ҳақоратлайди. Сўнг Норбобони боши билан уриб, кўргач, ортидан етиб бориб, яна жанжал чиқаради. Бу гал ҳам Иштўхта холис шахслар томонидан тартибга чақирилиб, трактор саройи ҳудудидан чиқариб юборилади. Меҳмон йигит яна «Навбаҳор» жамоа хўжалиги идораси яқинига қайтиб келиб, спиртли ичимлик ичиш билан танига «шижоатини» тўплайди. Шу топда унинг вужуди Норбобонинг кўзини мошдек очиб қўйиш истагида ёнади. Шундан сўнг у ёвуз мақсадини амалга ошириш ниятида Норбобонинг йўлини пойлайди. Иш вақти тугаб, ишчилар бирин-кетин уй-уйларига чиқиб, тарқалишади. Ичкарида ёлғиз Норбобо Жўраевнинг чиқмай қолганини аниқ билган Иштўхта соат 16-17 лар чамасида жамоа хўжалиги боғи орқали яширин равишда, трактор саройи идорасида ўтирган Норбобонинг ёнига киради. Шундан сўнг И. Хожаев Норбобони ҳақоратлаб, уни арикка йиқитиб олганича дўппослаётган пайтида шу ерлик фуқаролар уларни ажратиб қўйишади. Аммо, танбеҳлардан ҳушига келмаган Иштўхта ўзининг жиноий ҳаракатларини яна давом эттиради. У Норбобо Жўраевнинг иш жойига, яъни «Навбаҳор» жамоа хўжалиги трактор саройига қараб кетаётганини қасддан ўлдириш мақсадида бир неча марта уриб, тепади. Натижада Норбобо Жўраевнинг қовурғалари синиб, олган тан жароҳатлари натижасида воқеа жойида вафот этади. Ички ишлар қулига айланган И. Хожаев шу тариқа маст ҳолда ўта оғир жиноятга қўл урди.

Зўравон Пахтачи туман судининг одилона ҳукмига асосан 18 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Яна бир гап. Баъзида, кўча-кўйда Иштўхтага ўхшаган кимсаларнинг ножўя хатти-ҳаракатларини кўра туриб, ўзимизни кўрмасликка оламиз. Маст-аласт юрган, гоҳо жанжаллашаётган бесар кишиларга насиҳат қилиш, уларнинг попугини босиб қўйишдек савобли ишдан ўзимизни тиямиз. Ана шу кўнгилчанлик ва андишаларимиз вақт ўтиб баъзан сўнгги пушаймонларга сабаб бўлмаяптимикан?

Тўрабой ЎТАШЕВ,
Пахтачи туман прокурори
ёрдамчиси.
Мансур АЛОВУДДИНОВ.

СОЛИҚЛАРНИНГ ТЎЛОВИ – ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Қонунлар... Бу сўзнинг замирида халқнинг фаровон турмуши, бахтли келажаги гавдаланади. Жамиятда ҳар бир соҳа, ҳар бир тармоқнинг фаолияти ўзига хос қонун-қоидалар билан тартибга солинган. Мазкур қонунлар бузилса, жамиятнинг барқарорлигига ҳам ёвуз етиши мумкин.

Ҳа, инсоният тарихига назар ташласак, халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилашда иқтисодиёт тўғрисидаги қонунлар муҳим аҳамият касб этган. «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган нақл ҳам шундан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас. Дарҳақиқат, ҳуқуқий жамият қуриш сари бораётган мамлакатимизда бугунги кунда иқтисодиётимизни барқарорлаштириб турувчи асосий тизим бўлган солиқ тизимида қонунлар ижроси қандай бораяпти? Фуқароларимиз солиқ тўғрисидаги қонунлардан хабардорми? Мазкур қонунларнинг ижросида қандай камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда? Бунга ким айбдор? Мухтарийларимизнинг ана шу саволларга жавоб топиши учун ҳафтанамамизда янги саҳифа ташкил қилдик. Сиз ушбу саҳифа билан танишиш орқали солиқ тизимидаги янгилик ва ўзгаришлардан хабардор бўласиз. Бундан ташқари, солиқ тўғрисида сизни қизиқтирган саволларни ёзиб юборсангиз, биз жавоб беришга шаймиз.

• Янгилик

Мактабда солиқ дарслари

Ўсиб келаётган ёш авлодимиз онгида солиқ маданиятини шакллантириш мақсадида Тошкент шаҳар Давлат солиқ Бош бошқармаси ташаббуси билан мактабларнинг бошланғич синфларида «Солиқ инспекторининг эртаклари» номли 34 соатлик ўқув қўлланмаси яратилди. Бу қўлланмани Ўзбекистон Республикаси халқ таълими маркази кўриб чиқиб, республиканинг барча мактабларида 3-6 синфларда факультатив машғулот сифатида ўқитилишини ва тегишли тиражда чоп этилишини тавсия қилди. Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳридаги бир неча мактабларда тажриба сифатида ушбу қўлланма асосида дарслар ўтилмоқда.

Дастлабки тажрибалар бу қўлланма жуда вақтида яратилганлиги ва мактабларда катта қизиқиш уйғотаётганлигини кўрсатмоқда.

Тошкент шаҳар солиқ Бош бошқармаси мутахассислари ўқув қўлланмага қизиқишнинг ортаётганлигини эътиборга олган ҳолда битирувчи синфлар учун ҳам дарслик қўлланмаси яратиш устида иш олиб бормоқдалар

Енгил жазо таъсир қиларми?

Солиқ ҳақида гап кетганда айрим кишилар солиқ ўзи нима, у нимага хизмат қилади, деган саволга аниқ жавоб айтолмасликлари мумкин.

Солиқ тушунчаси - бу давлатимиз сарф-харажатларининг асосий манбаидир. Солиқлар иқтисодиётни тартибга солувчи ҳамда даромадларимизни барқарорлаштирувчи воситадир. Мамлакатимизнинг иқтисодиётини ривожлантириш, мудофаа қобилиятини кучайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш, халқаро муносабатларни йўлга қўйиш орқалигина кучли суверен давлатни қарор топтириш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси давлат бюджетига солиқлар кўринишида келиб тушадиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ҳақидаги қонунларида солиқ тўловчилар ва солиқ тўлаш тартиблари, солиққа тортиш бўйича имтиёзлар, қонунларни бузганлик учун жавобгарликлар аниқ белгилаб қўйилган. Шу қонунларга амал қилиш ва уни оғишмай бажариш ҳамма фуқароларимизнинг бурчи ҳисобланади. Лекин айрим фуқаролар ва корхона раҳбарлари томонидан мазкур қонунларни бузиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жумладан, фуқаро Д. Даминованинг Тошкент тумани қишлоғи томонидан берилган хусусий тадбиркорлик гувоҳномасига асосан, Қорасарой кўчасида жойлашган бозорчада 1998 йил 27 март куни акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари билан савдо қилаётгани аниқланиб, у Маъмурий жавобгарлик кодексининг 164-моддаси 1-қисми билан 3750 сўмлик жаримага тортилган ва акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари давлат фойдасига мусодара қилинган эди. Афсуски, Д. Даминова бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. У 1998 йил 14 октябрь куни давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текширишда, мазкур бозорчада яна 67 қути 9025 сўмлик акциз маркасиз сигарет ҳамда 3630 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилаётганида ушланди. Д. Даминовага нисбатан қонунни такроран бузганлиги учун махсус назорат ва тафтиш бўлими томонидан ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

1998 йил 7 май куни Собир Раҳимов тумани Жомий кўчасида жойлашган «СКВ-Мебель» дўконида давлат солиқ назорати ва ИИБ КР ва БТ бўлим ходимлари билан биргаликда ўтказилган текширишда харидор Б. Холбозоров дўконга кириб, дўкон раҳбари А. Мусаевдан 155 минг сўмга юмшоқ мебель сотиб олгани, бу сотиб олинган мебель учун дўкондан 130 минг сўмга сотилди, деб 285-сонли чек берилгани аниқланган. Текширув жараёнида маълум бўлдики, Б. Холбозоров сотиб олган юмшоқ мебель дўконга кирим қилинмаган. Харидорга харид қилинган мебель учун назорат касса аппаратидан ўтказилмаган чипта берилган. Шуниси қизиқки, харидорга дўкон номи кўрсатилган штамп урилган ва 130 минг сўм тўланди, деб кўрсатилган 285-сонли чек берилган.

Суриштирув олиб борилган вақтда дўкон раҳбари Р. Мусаев муқаддам 1998 йил 9 апрелда ҳам савдо қоидасини бузганлиги учун туман давлат солиқ назорати раҳбари томонидан МЖКнинг 164-моддаси 1-қисми билан маъмурий жаримага тортилганлиги аниқланди. Лекин бу жазо Р. Мусаевнинг сабоқ чиқариб олишига камлик қилди. Унга нисбатан 1998 йил 16 майда махсус назорат ва тафтиш бўлими томонидан ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми ва 209-модданинг 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Ушбу жиноят ишини Собир Раҳимов туман суди судья В. Юсупова раҳбарлигида атрофлича кўриб чиқиб, А. Мусаевни айбдор деб топиб, ЖКнинг тегишли моддаларига кўра, 3 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш ва мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Лекин, А. Мусаевга нисбатан жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, белгиланган 3 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси 2 йил шартли жазога алмаштирилган. Суд томонидан чиқарилган ҳукмнинг бундай ўзгартирилиши билан солиқ қонунларини қайта-қайта, қўпол равишда бузган мансабдор шахсларга нисбатан енгил жазо берилган, деб ҳисоблаймиз. Чунки, илгари ҳам қонун бузганлиги учун жарима тўлашдан тўғри хулоса чиқаролмаган А. Мусаевга ўхшаганларга бундай енгил жазолар таъсир қилармикин?

А.МУҲАММАДАЛИЕВ,
Собир Раҳимов тумани ДСИ махсус назорат ва тафтишбўлими бошлиғи.

НАФСИ БАЛО ТАКСИЧИ

Ҳаммамиз ҳам тирикчилик дардида ёки давлат ишлари билан йўлга чиқамиз. Лекин, шаҳримизда йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиги, яъни давлат автобуслари қатновидаги камчиликлар туфайли такси хизматидан фойдаланишга мажбур бўламиз. Тўғри, инсофли, иймонли таксичилар ҳам бор. Лекин, баъзилари борки, зарурат юзасидан такси ушлаган мижозлардан ортиқча пул олиб, даромад қилиш пайида бўлади. Ана шундай нафси бало таксичилардан бири Тошкент шаҳар 2-автокомбинати такси ҳайдовчиси Р. Алимов бу гал орқа-олдига қарамай, инсофини бутунича еб юборди, десак адашмаймиз. У ўзига бириктирилган давлат белгиси 85-64 ТНБ «Доган» русумли автоуловда «Аэропорт» бекатидан йўловчи Д. Маликовани Мирзо Улуғбек тумани Қорасув даҳасидаги универсам бекатигача олиб келиб қўйганлиги учун ундан 800 сўм йўл кира ҳақи олади ва қайтимини беришни хаёлига ҳам келтирмайди. Бу ҳолат юзасидан Мирзо Улуғбек тумани ДСИ текширув олиб борганида, ҳайдовчи йўловчидан нақ 460 сўм ортиқча ҳақ олганлиги маълум бўлди.

Хўш, таксига қандай ҳақ тўланади? Буни мижозлар билишадими? Гап ана шунда. Агар йўловчилар таксига ўтириш нархи ҳар бир километр учун 20 сўмлигини, ундан ортиқча пул тўлаш керак эмаслигини билишганида эди, Д. Маликовага ўхшаб оғзидагини Р. Алимовдек олғир такчиларга олдириб ўтирмасди. У аслида «Аэропорт» бекатидан Қорасув университетигача бўлган 15 километрлик йўл учун 340 сўм тўлаш лозим эди.

Мазкур ҳолат бўйича суриштирув ишлари олиб борилиб, ҳайдовчи Р. Алимовга нисбатан ЖКнинг 187-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов органларига юборилди.

Р. СУЛТОНОВ,
Мирзо Улуғбек тумани ДСИ бошлиғи муовини.

• Назорат

ЧЕКНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ ПАСТКАШЛИК ЭМАС

Одамзот дунёга келибдики, унинг фаолияти ҳисоб-китоб билан боғлиқ. Ҳисобли дўст айрилмас, деган азалий ибора ҳам шундан келиб чиққан бўлса керак. Кундалик эҳтиёжларни таъминлашда беихтиёр савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан муносабатда бўламиз. Шунда меҳнат ҳақи сифатида олган пулларимиз эҳтиёж маҳсулотларига, бизнинг харидимиздан тушган пул эса кимларнингдир даромадига айланади. Шу жараён назорат-касса машиналари ёрдамида ҳисоб-китоб қилиниб турилади. Назорат учун қўйилган бу машиналар ўз моҳияти билан давлат банкларига тушаётган нақд пулларни ёки тадбиркорларнинг даромадини ҳисоблаб туради. Агар пул тўласаг-у, лекин пулимиз касса машинасидан ўтказилмаса, машинанинг яшил кўзлари липиллamасдан тураверади. Демак, пул банкка эмас, чўнтакка кетди, деяверинг. Касса машинасидан ўтказилмаган ҳар бир сўмда давлат хазинасининг манфаатлари ётади, чунки даромад яширилса, солиққа тортиладиган сумма камаяди. Ана шу салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 майдаги қарори билан «Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китоб қилишда маъмурий равишда назорат касса машиналарини қўллаш тартиби»га ўзгартириш киритилди. Мазкур қарорга биноан савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг дўконларида назорат касса машиналарини ўрнатиш ишлари анчагина жадаллик билан амалга оширилди. Лекин савдо-сотиқдан тушаётган пуллар тўлиқ касса машиналарида қайд этилишида анча-мунча қонунбузарликлар кўзга ташланиб турибди. Аксарият ҳолларда, касса машиналари номигагина қўйилган. Бу ҳолат кўпинча, нон дўконларида учрамоқда. Сотиб олинган нон учун тўланган пул касса машинасидан ўтказилмаяпти.

Айниқса, «Иссиқ нон» корхоналарида нон сотилишига эътибор берсангиз, сотувчилар нон учун пулни олишади-ю, лекин касса машинасидан ўтказишмайди. Баъзи-баъзида харидорнинг важоҳатига қараб чек уриб қўйиши мумкин. Касса машинасининг атрофига эса хўжакўрсинга бир тўп чекларни ташлаб қўйишади. Бу ерда бир савол туғилиши табиий.

Харидор тўлаган пулни кассадан ўтказмасликнинг қандай манфаатли томони бор?

Ҳамма гап - ҳар бир буханка нонга меъёридан кам миқдорда хамир ишлатилишида. Халқ ҳақидан тежаб «уриб» қолинган ана шу хамир ҳисобидан чиқарилган ортиқча нонларда тушган пуллар назорат касса машинаси ҳисобига киритилмайди. Бунинг натижасида мўмай даромад ўзлаштирилади? Бу гаплар янгилик эмас. Лекин, мазкур қинғир ишларнинг ҳамма дўконларда одат тусига кириб қолаётганлиги ачинарлидир. Бу ҳолатларга назорат ишлари билан шуғулланувчи мутасадди ташкилотлар лоқайдлик билан қараётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Шу ўринда, биз харидорларда ҳам катта айб борлигини айтиб ўтишимиз жоиз. Харид қилганимизда чекни талаб қилишни ўзимизга эп кўрмаймиз, андиша қиламиз. Энди бир ўйлаб кўрайлик. Чек олмасак, тўлаган пулимиз кассага эмас, киссага кетади. Пул кассага тушса, солиқ ундирилади ва бу солиқ халқ маъмурчилиги учун хизмат қилади. Киссага кетган пул эса сотувчининг қинғир манфаати учун хизмат қилади.

Тошкент шаҳри хонадонларида ташкил қилинган ошхоналарда, ҳар хил ташкилотлар бинопарида ижара асосида ишлаётган тамаддихоналарда, сартарошхоналарда, шаҳар кўчаларидаги тунги савдо шаҳобчаларида таом ёки хизматга тўланган пул учун қўлингизга чек берилганлигини ёки махсус касса дафтарига белги қўйилганлигини кўргандирсиз? Йўқ, аксарият ҳолларда бундай жойларда касса машиналари фақат номигагина бор.

Юқорида кўрсатилган қарорга биноан аҳоли билан савдо-сотиқ қилишда ва унга бошқа турдаги хизмат кўрсатилганда назорат касса машиналарини қўлламасдан, пуллик ҳисоб-китоблар амалга оширилган ҳолларда корхона ҳисоб счетидан энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида жарима ундирилади. Агар бундай қонунбузарлик қайтарилса, молиявий жарима 200 фоиз миқдорида ундирилиб, бюджетга ўтказилади. Бундан ташқари, қонунбузарликка сабабчи бўлган дўкон ходимлари савдо қоидасини бузганликлари учун Маъмурий жавобгарлик кодексининг 164-моддаси 2-қисми билан энг кам иш ҳақининг 3 дан 5 баробари миқдоригача, дўкон раҳбари эса 5 дан 7 баробари миқдоригача жаримага тортиладилар. Агар дўкон ходимлари 1 йил давомида қонунбузарликка иккинчи маротаба йўл қўйса, ЖКнинг 189-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиладилар. Ҳа, дарҳақиқат, барча соҳаларда ҳам жиноят жазосиз қолмайди.

Назорат касса аппаратини ишлатмасдан 1998 йилнинг 8 мартидан бери фаолият кўрсатиб, ҳамма тушумларни ўзлаштириб юрган «Қўйлиқ - Ота» жамоа корхонасининг қинғир ишлари шу йилнинг 9 июн куни Сирғали тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текширувда фош этилди.

Текширув куни бу корхонанинг ошпази Г. Расулов 70 сўмлик ошни чексиз сотганлиги ва шу куни 106144 минг сўм пулни назорат-касса машинасида қайд этилмаганлиги айбланиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. «Қўйлиқ - Ота» жамоа корхонасига энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида жарима белгиланди. 3 ой давомида ҳеч қандай ҳисоб-китобсиз ялпи даромадни яширган фаолият кўрсатган бу корхона нима учун солиқчилар назарига тушмади? Ахир, «Қўйлиқ - Ота» туманда донғи кетган корхоналардан эди-ку?

Ачинарлиси шундаки, юқоридаги қарорга биноан назорат касса машиналарини қўллашда йўл қўйилган қоидабузарлик учун қаттиқ маъмурий ҳамда молиявий жарима чоралари белгиланишига қарамасдан, дўконларда назорат-касса машиналарининг қўлланишига қатъий риоя қилинмаяпти. Бунинг сабаби нимада экан?

Хулоса шуки, назорат-касса машиналаридан савдо-сотиқда мажбурий фойдаланиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши бўйича солиқ тизими идоралари томонидан қўшимча тадбирлар ўтказиб, назоратни кучайтиришни бугунги кун тақозо қилмоқда.

М. ҲАМИДОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.
Т.МИРЗАЕВ, *ҳотибият мудири.*

Саҳифа Тошкент шаҳар Давлат солиқ Бош бошқармаси матбуот хизмати бўлими билан ҳамкорликда тайёрланди.

• *Жиноятга жазо муқаррар*

ЧЎНТАКДАН ТОПИЛГАН ХАТ

ёхуд 10дан зиёд «Венера», 30 дан ортиқ «Шуҳрат»ларни ислаш орқали фош этилган қотиллик хусусида

Қотиллик ҳамма вақт даҳшатли бўлади. Айниқса, қари кимсаларни ўлдириш...

Қиргулида 1998 йил 10 январь куни тунги соат 22 лар чамасида юз берган қотиллик ҳеч бир қуюшқонга сиғмайди. Муқаддам судланганлар боскинчилик қилиб, 66 ёшли ёлғиз кампирни талончилик мақсадида вахшийларча ўлдирадилар. Улар ўйлагандек, бу кампирда на тилла тақинчоқ, на тахламтахлам пул бор эди. Минг афсуслар бўлсинки, ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда одам ўлдирганлар - шу юртнинг фарзандлари. Ташқи кўринишдан одамга ўхшайдиган бу кимсаларнинг барчаси нашаванд, ахлоқан бузуқ шахслар бўлиб чиқди. Хўш, бугунги кунда жамиятимизда бундай ёшлар тез-тез кўзга ташланиб қолмоқдами? Уларга нима етмаяпти? Гоҳо, баъзи бир оилаларнинг кам таъминланган ҳолда яшаётганликлари қулоғимизга чалиниб қолади. Лекин қуйида исм-шарифлари зикр этилаётган ёшларга фоҳишабозлик учун, арақ мўл-кўл бўладиган маишатлар учун кимлар пул бераяпти? Бу саволларга табиийки, ота-оналар жим, акаукалар мум тишлаган, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар тескари қараган... Факт шуки, кейинги пайтда ишламай тишлашни хоҳлайдиганлар, ўз танини атиги битта зиёфат учун сотадиганлар, қаердан бўлсада, пул топиб, наша чекадиганлар пайдо бўлаяпти.

Хуллас, бу гаплар билан биз ҳаммага аюханнос солмоқчи эмасмиз. Лекин, ўйлаб кўришга арзигулик, кишини ташвишлантирадиган, жамиятга қора кўланка ташлаётган янги муаммолар пайдо бўлаётганини эслатиб ўтмоқчимиз, холос.

Қиргулида «Пеликан» бозори жуда гавжум жой. Ҳатто, қишнинг қировли кунларида ҳам бозордан одам аримайди. Бозорда сотувчи ва харидорлар тиқини оралаб 30 ёшли йигит икки нафар 23 ёшли йигит ҳамроҳи ҳамда 18 ёшга тўлиб, тўлмаган, аммо тузуккина пардоз қилиб олган «қиз»ни етаклаб бозор қилиб юрганига табиийки, ҳеч кимса эътибор бермайди. Уларнинг мақсади яккаш ўзларига-ю, ёлғиз яратганга аён эди, холос. Хуллас, тўртовлон гурунглашиб бозордан чиққанларида йигитларнинг қўлларидаги қоғоз қопчалар масаллиққа лиммо-лим, камига уч шиша «оқ арақ» ҳам харид қилинган, ўзлари эса билинар-билинмас ширакайф эдилар. Ёши каттароғи олдинга ўтиб олган, мўлжалланган «дом»ни кўзлаб, илдамроқ юришга кистарди.

Тўртовлон шу тобда Тургенев кўчасидаги 16-уйнинг 11-хонадонига келиша-ётганди. Кўнғироққа жавобан очилган эшик ортида турган кампир аввалига уларни танимади, лекин пулнинг дарагини эшитиб, дарров юмшади.

- Энажон, - дерди сўзамоллик билан ёши катта йигит. - бир-икки соат ўтиramиз-у, кетамиз. Битта овқат қиламиз, холос. - Киринглар, - деди ниҳоят кампир эшикни ланг очар экан. Тўртовлон дарҳол маъноли кўз уриштириб олишди.

Бир ҳонали уй ўртасидаги стол бежиримгина қилиб тузалди. Орқаворотдан Зина хола деб танилган кампир ва «қиз» овқатга уннай бошлашди. Йигитлар эса катта хонада ишни арақдан бошлаб юборишганди бу пайт. Кўп ўтмай, даврага «қиз» ҳам қўшилди. Арақ шишалари бўшагани сайин тўртовлоннинг бошлари тобора қизиётганди. Ҳаш-паш дегунча овқат пишиб, уч шиша арақ бўшатилди. Овқат... «самогон» билан ичилди. Сўнгра эса, йигитларнинг «қиз»га қўл каттаси ташлаб қолди.

- Шу жонон билан ётаман ҳозир, - дерди у мастлик билан. «Жонон» ҳам бу таклифга қарши эмасди. Бироқ кутилмаганда орага «чақиртиканакдек» кампир суқилди.

- Аввал жойнинг пулини тўла, сўнг билганингни қил, - деди кампир. Кўнгли жononни тусаб қолган йигитнинг пули қолмаганди. У муштига зўр берди.

- Сенга пул керакми? Мана! - бир муштданоқ кампир диванга ағдарилиб, қаловланиб қолди. Асл мақсадлари не эканлигини лаҳзалар ичида тушуниб етган учовлон дарҳол шерикларига ёрдамга шошилишди. Чунки, бундай қилинмаса, кампир дод солиб, кўни-қўшнини ёрдамга чақириши аниқ эди. Ожиз аҳволда ҳолсизланиб, азобланиб ётган кампирнинг бўйнидан йигитларнинг бири гитара сими билан бўға бошлади. «Қиз» эса кампирнинг қўлларидан босиб, сочиқ билан оғзини беркитди. Бошқа бир йигит унинг типирчилаётган оёқларини маҳкам ушлаб олди. Бу орада уч-тўрт мушт туширишга улгурган йигитларнинг каттаси йўлни ошхонага солиб, кўнғир сопли хўжалик пичоғини олиб чиқиб, Зина холанинг бўйнига санчиб-санчиб олди. Ушоддеккина кампир қийнала-қийнала жон таслим қилиб қўя қолди.

Уч йигит ва «қиз» дарҳол танаси совиб улгурмаган Зина холанинг жасадини диван устидаги одеялга, сўнг цеплофан қоғозларга ўрашди ва ... ўз уйининг «балкони»га четига чиқариб ташлашди. 66 баҳорни қаршилаган ожиз кампирнинг ҳаётига шу тарзда нуқта қўйилди. Атиги беш лаҳзалик қайғу сафога қаршилик - пул таъмаси баҳона инсон боласи қизил қонга беланди.

Худди киноларда бўлганидек, кутилмаганда эшик тақиллаб қолди. Қулоқлар динг, ҳамма турган жойида тараддудек қотиб қолганди. Шунда ҳам жиноятчи йигитларнинг каттаси дадиллик кўрсатди.



Эшик очилганида рўпарада ўн ёшлар чамасидаги сап-сариқ бола турарди. Бола нотаниш кимсани кўрди-ю, кўзлари бежоланди.

- Бабушка дома?

- Заходи... - деди жавобан эшик очган йигит.

Бирдан бола орқасига қайрилди-ю, зиналардан шитоб ила югуриб, қочиб қолди. Йигит унинг ортидан югургилаб ҳовлигача чиқди. Бола «дом»лар оралиғида зим-ғойиб бўлганди.

- Ҳозир келган бола кампирнинг невараси, шекилли. Бўлинглар, кетдик, - дея шошилтирди уйга қайтиб кирган «довюрак» йигит. Ҳамма қўлга илинганини қўйнига тиқа бошлади.

Тезда бу хонадонга Қиргули туман прокурори Н. Исақов бошчилигидаги прокуратура ва ИИБ ходимларидан иборат тезкор-қидирув гуруҳи етиб келишди. «Боскинчи-қотиллар кимлар эди?» деган муҳим масала айнан шу дақиқаларда ўртага қўйилди. Текширувлар натижасида қон доғлари юққан пичоқ, бармоқ излари, сигарет қолдиқлари далилий ашё сифатида олинди. Шунингдек, жасаднинг чўнтагидан бир варақ ёзувли қоғоз: «Тетя Зина! Я приду через 1,5 часа. Пусть Шуҳрат побудет у вас. Венера» деган хат чиқиб қолди. Ҳар эҳтимолга қарши қоғоз ҳам эътибордан четда қолмади. Маслаҳатлар, таҳминлар, гумонлар асосида яроқли, деб топилган 10 дона бармоқ излари 90 та гумондорнинг бармоқ излари билан солиштириб кўрилди. 10 дан зиёд Венералар сўроққа чақирилди, 30 дан зиёд Шуҳрат исмли йигитларнинг шу кеча қаерда бўлганлиги тафтиш этиб чиқилди. Ишхоналардан, меҳнат жамоаларидан Венера ва Шуҳратлар тўғрисида тавсифномалар сўралди Ахлоқ милицияси, участка нозирларига фоҳишалар, шубҳали шахслар, уларнинг бармоқ излари юзасидан сўровномалар юборилди. Илгари судланган шахслар, телефон рақамлари қайд этилган шахслар қайта-қайта текшириб кўрилди. Бошқача айтганда, неча-неча шахслар гумон остига олинди. Натижа шу бўлдики, Венера деганлари 1979 йилда Марғилон шаҳрида туғилиб, Қиргули туманида яшаб келган Феруза Элибоева бўлиб чиқди. Гумон қилинган Шуҳрат эса аслида 1975 йилда Марғилон шаҳрида туғилган, муқаддам судланган Шуҳрат Якубжонов эканлиги бармоқ излари орқали фош этилди. Бармоқ излари... ҳақиқий боскинчи қотилларни тутишга жуда катта ёрдам берди. Прокуратура, милиция ходимларининг туну кун изланишлари натижасида 1968 йилда Марғилон шаҳрида туғилган, муқаддам 2 марта судланган Алишер Мусаев, 1975 йилда Марғилон шаҳрида туғилган, муқаддам судланган Фахриддин Абдуллаевлар ҳам қўлга олиндилар. Яна бир томони, боскинчи-қотиллар нашаванд ҳам эканлар. Уларнинг уйларида тинтув ўтказилган вақтда нозик жойларга яширилган, чекиш учун махсус тайёрлаб қўйилган гиёванд моддалар олинди. Сўроқ даврида уларнинг ота-оналари, ака-укалари ҳам буни инкор этиб ўтирмадилар. Ҳам боскинчиликка, ҳам қотилликка қўл урган кимсалар Россия томон жуфтакни ростлаб қолмоқчи ҳам бўлгандилар. Яхшики, ўз вақтида ташкил этилган тезкор ҳаракатлар натижасида уларнинг барчаси ҳибсга олиндилар.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, боскинчилик ва қотиллик ташкилотчиси Алишер Мусаевдан ўзга жиноятчилар ҳеч бир жойда ишламаганлар, мунтазам равишда нашавандлик қилганлар. Венера деб аталган Феруза Элибоева эса ҳали турмушга чиқмай туриб, фоҳишалик кўчасига кирган...

Юз берган мудҳиш воқеани ўйлаганинг сари «Нега? Нега?» ... деган адоғсиз саволлар келаверади. Гоҳо текканга тегиб, тегмаганга тош отиб юрган ёшларга, қоғоз халтачаларни кўтариб, «дом»ларни овлаб юрган йигитларга, ўзининг фоҳишалигини кўз-кўз қилиб юрган уятсиз «қиз»ларга ҳам айнан шу саволларни бергимиз келади...

М. АЛИМОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.

ХАЛҚ МУЛКИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Маълумки, барча жиноятларнинг содир этилиши уч нарса - хоҳиш, қобилият ва имконият билан боғлиқ. Қонунбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка, хусусан, ўғирликка қарши курашда мана шу уч ҳолатдан бирини бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ички ишлар идоралари, шу жумладан, Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» хизмати ҳам ўз фаолиятида жиддий ўзгаришлар ясади. «Қўриқлаш» хизмати шахсий таркиби вилоятда жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, халқ хўжалиги объектлари ҳамда фуқаролар хонадонларини қўриқлашда ҳам фидойилик кўрсатмоқдалар. Энг муҳими, қўриқлашнинг ишончлилик даражаси ортиб бормоқда. Яъни, 1998 йилнинг 8 ойи давомида бирорта ҳам ўғирлик содир этилишига йўл қўйилмади.

Бугунги кунда «Қўриқлаш» бўлинмалари томонидан бир неча юз саноат объекти, 1000 дан ортиқ хонадонлар ва 5 та халқ хўжалик объектлари қўриқланмоқда.

Шу йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида ходимларимиз томонидан жиноят содир этишда гумондор сифатида 121 та шахс ушланган, 6064 нафар фуқаро маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун, 1198 киши эса, қўриқланаётган объектлардан майда талончилик содир этгани учун ушланиб, улардан 578700 сўмдан ортиқ моддий товар бойликлари олиниб, давлатга қайтарилди.

Жумладан, 1998 йил 18 август куни тахминан кечаси соат 12 дан ўтганда Навоий шаҳридаги 3-сонли қурилиш лицейида трактор чи бўлиб ишловчи Б. Есанов, лицей қоровули Т. Орипов ҳамда уларнинг ҳамтовоғи Э. Заитов ўзаро жиноий тил бириктириб, 17 дона қурилиш шиферларини ва умумий миқдори 30000 сўм бўлган 17 дона металл швеллерларни тракторга юклаб, ўғирлаб кетаётганда Навоий шаҳар ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бўлими ходимлари томонидан қўлга олинади.

Қуйидаги жиноятлар ҳам ходимларимизнинг зийраклиги, ўз касбларига бўлган фидойиликлари натижасида фош этилди.

1998 йил 29 август куни Зарафшон шаҳрида яшовчи Л. Оснявенко шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига келиб, «ДЭУ» русумли рангли телевизори, 5500 сўмлик парда, 10000 сўмлик чарм куртка ва 1500 сўмлик биллур буюми ўғирланганлигини маълум қилади. Шаҳар ҳудудида ўтказилаётган «Тозалаш» тадбири давомида, ушбу қинғир ишга қўл урган, муқаддам судланган Евгений Усинов «Қўриқлаш» бўлинмаси милиционери, милиция сержанти Элмурод Ражабов томонидан далилий ашёлар билан қўлга олин-ди.

1998 йил 18 сентябрь куни Зарафшон шаҳар, Мурунтов кўрғонида яшовчи, Евдокия Чеботюк Зарафшон шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига ариза билан мурожаат қилиб, 4-9 сентябрь кунлари номаълум шахслар унинг омборхонасининг қулфини бузиш йўли билан умумий нархи 7000 сўм бўлган уй-рўзғор буюмларини ўғирлаб кетганликларини маълум қилади. Жиноятни фош этишга қаратилган тадбирда «Қўриқлаш» бўлинмаси милиционери, милиция сержанти Мақсуд Бозоров томонидан ушбу жиноятни ҳеч қаерда ишламайдиган Игорь Мостовой содир этганлиги аниқланди ҳамда жабрланувчининг буюмлари ўз эгасига қайтарилди.

Ходимларимиз «Қўриқлаш» хизматини янада такомиллаштириш, саноат корхоналарини ишончли қўриқлаш, моддий бойликларни кўз қорачиғидек асраш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдек масъулиятли вазифаларни бажариш учун бор куч-имкониятларини ишга соладилар. Бунинг учун эса бизда барча шарт-шароитлар, имкониятлар етарли.

Мамасоли ЎРАЛОВ,
Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бўлими бошлиги, милиция подполковниги.

• *Дилкаш суҳбатдош*

Бугунги суҳбатдошимизни муштарийларга таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Чунки, у кишининг қаламига мансуб энг сўнгги йирик асар - «Кўнгил кўчалари» видеофильми «кириб» бормаган ўзбек хонадонини топиш мушкул. Таниқли журналист, иқтидорли шоир, адиб ва драматург Машраб БОБОЕВ билан бўлган суҳбатимиз асосан ана шу асар хусусида кечди.

Кўнгил кўчаларида юриш осонмас



- Машраб ака, «Кўнгил кўчалари»ни халқимиз катта қизиқиш билан кутиб олди. Яқин орада бундай асарни кўрмагандик. Айтинг-чи, буни ёзишда сизга нима туртки бўлди?

- Яхши гапингиз учун ташаккур. Аллоҳга беҳисоб шукрким, бундай гапларни бошқалардан ҳам кўп эшитдим. Нокамтарликка йўйманг-ку, менинг «Аллоҳга шукр!» деб хитоб қилишдан бошқа чорам йўқ. Энди саволингизга келсак, бу хусусда жуда кўп гапирганман. Ўша гапларни такрорлаб ўтирмай, қисқача жавоб берадиган бўлсам, мазкур видеофильм ҳам фақатгина Мустақиллигимиз шарофати эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

- Қаҳрамонларингизга ўхшаш инсонларни ҳақиқий ҳаётда ҳам кўрганмисиз?

- Албатта кўрганман. Ёзувчи кузатувчан бўлади. Ҳаётдаги воқеалар, кишиларнинг феъл-атвори ҳамда қилаётган ишларини юрагида қайд этиб қўяверади. Ҳаёл деган тушунча ҳам бор, албатта. Шунинг учун, мантиқ доирасида «тўқийди» ҳам... Бундан ташқари, гапимга кулишингиз ҳам мумкин, лекин қаҳрамонларимнинг аксарияти - яхши-ёмонлигидан қатъи назар, - менинг ўзимман. Чунки, ҳар қандай ёзувчи ҳар қандай шароитда ҳам ўз имкониятидан келиб чиқади, яъни ўзини ёзади.

- Асарнинг муаллифи сифатида айтингчи, видеофильм сизга ёқдими?

- Ҳозирги гапимнинг давоми сифатида шуни айтишим лозимки, ҳар қандай асар - муаллифнинг фарзандидай гап. Шунинг учун ҳам видеофильм ёқмади, десам нотўғри бўлади. Монтаж жараёнида режиссёр Маҳкам Муҳамедов билан анча тортишганмиз, баҳслашганмиз, албатта. Бироқ, бу фильмни суратга олишда иштирок этган барча ижодий ва техник ходимлар, хусусан, қаҳрамонлар сиймосини элга танитган актёрларнинг ҳаммасидан хурсандман, ҳаммасидан миннатдорман. Қарийб уч йиллик иш мобайнида уларнинг барчаси менга жигар бўлиб қолди. Яқинда ўғил уйлантирдим. Маҳкам Муҳамедов, Рафоил Камолов, Анвар Ғаниев, Файзулла Аҳмедов раҳбарлигида гуруҳимизнинг анчагина аъзолари (улар газетангиз саҳифасига сиғмайди) тўйда иштирок этишди, хизмат қилишди. Мен ҳам уларнинг барчасининг тўйида хизмат қилай, деган ният билан юрибман.

- Асардаги чалкаш тақдирлар, кутилмаган учрашувлар... Умуман олганда, «Кўнгил кўчалари»ни ёзаётиб анча толиққандирсиз, ёки...

- Чалкаш тақдирлар, кутилмаган учрашувлар... Буларнинг барчаси ҳаётдан олинган. Дунё тор, деган гап бор. Шунинг учун кўзимизга қараб юрайлик, ҳар бир қадамимизни ўйлаб босайлик, деган фикрни ўртага ташламоқчи эдим. Бу ниятим қай даражада амалга ошди - билмайман... Саволингизга жавоб берадиган бўлсам, шуни айтишим лозимки, «Кўнгил кўчалари»ни ёзишда эмас, видеофильмни монтаж қилишда толиқдим. Эллик битта кўйни қарийб уч йил мобайнида монтаж қилдик, десам ишонмасангиз керак. Лекин, бу жараёнда Маҳкам ака билан мен тортган азоб-га фақатгина Аллоҳнинг ўзи гувоҳ.

- «Кўнгил кўчалари»ни кўриб, ортда қолган умрини эслаётган, кўнгилдаги турфа кўчаларга кириб чиққан томошабинларга айтар гапингиз борми?

- Томошабинларга сиҳат-саломатлик тилайман. Барчанинг хонадонида тинчлик-омонлик бўлсин, ҳар бир киши фарзандлари камолини кўриб юрсин.

Лекин... бир нарсага афсусланаман.

Видеофильмда баъзи кишиларга, ёшларга, айрим мансабдор шахсларга алоқадор гаплар бор. Афсусим шундаки, ана шу гапларга дахли бўлганлар бундан ўзига тегишли хулоса чиқармайди...

- Асардаги қай бир тимсолни яратишда қийналдингиз?

- Тимсолларни яратишда унчалик қийналганим йўқ, уларнинг оғир ҳолати, истиробини ёзишда қийналганман, уларга қўшилиб изтироб чекканман, йиғлаганман, Аллоҳга тавбалар айтганман. Ўша тавбалардан бири сифатида «Би исми Аллоҳир Раҳмонир Роҳийм, Алҳамду Лиллаҳи Раббил Аъламийн» деган қўшиқ пайдо бўлган...

- Бўш вақтларингизда мутолаа ва ёзишдан ташқари яна нималар қиласиз?

- Жуда кўп машҳур артистлар, спортчиларга шундай савол берилганида, улар бўш вақтлари йўқлигидан нолишганини эшитиб, ҳайрон бўлардим. Мен умуман нолимайман, лекин айтишим лозимки, неча йилдан бўён ҳақиқатан ҳам бўш вақт нималигини билмайман: хизматда камида ўн-ўн икки соат бўламан, орада сценарий ёзганман, якшанба кунлари эса монтаж билан шуғулланганман... Кўпчилик: «Кўнгил кўчалари»ни қачон ёзгансиз?» деган савол ҳам берган. «Ўзим ҳам билмайман», деб жавоб қайтарганман. Лекин, Аллоҳга шукрки, барибир вақт топиб, набирамни бориб кўриб турганман...

- Қандай фазилатли инсонларни ёқтирасиз?

- Ҳалол, меҳнаткаш, халқи, юртига жони фидо, «Аллоҳга шукр!» деб яшайдиган, некбин, яхши ниятли, ҳамма нарсага ҳавас билан қарайдиган, ҳасаддан йироқ одамларни яхши кўраман. Видеофильмда ҳам шундай кишиларни кўрсатишга, шу фикрларни юзага чиқаришга ҳаракат қилганман.

- Айтинг-чи, инсон кўнгилнинг хатарнок кўчаларига кириб кетмаслиги учун нималар қилиши керак?

- Бу борада бирон-бир маслаҳат беролмайман. Чунки, ўзим бир гуноҳкор бандаман. Лекин ҳаммамиз биламизки, ирсият деган ҳодиса бор. Шунинг учун ҳам аввало, ҳаммамиз яхши инсонларнинг фарзандлари бўлишимиз лозим, деб ўйлайман. Яхши инсонларнинг фарзанди бўлсак, оилада яхши тарбия кўрсак, мусулмон сифатида Худони унутмай, Худодан қўрқиб яшасак бўлди, деган фикрдаман. Менинг ҳаётдан чиқарган хулосам шуки, Худо ҳар кимга феъли ва ниятига яраша бераверар-кан...

- Оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

- Худога шукр, бой-бадавлатман - яъни, серфарзандман. Инсон учун фарзанддан ортиқ бойлик бўлмаса керак... Боя айтдим, бу йил ўғил уйлантирдим. Икки йил бурун қизимни турмушга чиқарган эдим. Бориб кўришга шошиладиган набирам - ўша қизимнинг фарзанди. Бошқа фарзандлар тақдири тўғрисида ҳам яхши ниятлар бор. Бу ниятлар қандай рўёбга чиқишини фақатгина Яратганнинг ўзи билади.

- «Ҳуқуқ» муштарийларига тилакларингиз?

- Ўзбекда «исминг жисмингга муносиб бўлсин» деган гап, ният бор. «Ҳуқуқ» ҳам ўз номига муносиб нашр, албатта. Муштарийларимиз ҳам республикамиз, давримизга муносиб бўлсин, барчамиз халқимиз, юртимизни қадрлаб, эъзозлаб, асраб-авайлаб, мамлакатимиздаги тинчлик - омонлик учун Оллоҳга шукрона айтиб, Яратгандан Юртбошимизга узоқ умр, куч-қувват сўраб, тўйлар қилиб юрайлик.

Барча газетхонларга тилагим шу.

- Машраб ака, самимий суҳбатингиз учун Сизга катта раҳмат. Ижодингизга барака, тилакларингизга Яратгандан ижобат сўрайман.

Суҳбатдош: Гулчирой ИСМАТОВА.

• *Фурсат келди шеър ўқимоққа*

Эрпўлат БАХТ *(Эрматов Пўлатбек)* **Боғот туманидаги «Кипчоқ қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, журналистика факультетини тамомлаган. Айни кунларда вилоят ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг бирлашган нашри - «Муҳофаза» газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб хизмат қилмоқда.**

Илк китоби «Қуёш табассуми» «Чўлпон» нашриётида чоп этилган. Энг муҳими - «Ҳуқуқ»нинг доимий ўқувчиси.

ҚУТАМАН

Руҳимни зулматлар қоплаган,
Мен бундан афсуслар чекмайман.
Юракнинг бўш қолган четига
Энди армонгуллар экмайман.

Тушкун азобларнинг ўйинда
Мағрур бардошим-ла ютаман.
Самонинг саҳнига кўз тикиб,
Тилсимли саҳарлар кутаман!

ҚАЛЪИ ЮРТ ДЕБ...

Ташна дилим қонди, май ичди,
Руҳ бахрининг қанорларидан.
Сано айтиб ҳаққушлар учди,
Шажарамнинг чинорларидан.
Гар қай кимса ўздан тонадир,
Уйғотгувчи кечмиш - онадир,
Кўброларнинг қони ёнадир
Кўҳна кентнинг минораларида.
Мулкинг талаб хор этар бўлса,
Ё бошингга зарб етар бўлса,
Ўзлигидан сўз кетар бўлса,
Ўзинг асра тонарларидан
Келавериб аста изма-из,
Бугун боқиб Ҳаққа юзма-юз.
Туғилажак самандар-қақнус
Ўзбегим, деб ёнарларидан.
Гул чиройдек ясанди онглар,
Потраб кетди камалак ранглар.
Мерос қолур уфқлар, тонглар
Қалби юрт деб қонарларидан.

«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетасига обуна бўлишни унутманг!

Индексларимиз:
«Қонун ҳимоясида» - 839, 840
«Ҳуқуқ» - 231, 232.

• *Ўтганлар ёди*

УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Вақт ўтган сайин сайқал топиб, янада равшан тортадиган нарса - инсондан қолган хотиралар. Унинг дўст-ёрлари, шогирдлари қалбида қолдирган илиқ таассуротлари узоқ сақланади.

Тиришқоқ инсон, камтар ва камсуқум Болтабой Каримов менинг том маънодаги устозим эди. Илк бор у киши билан 1986 йилда учрашиб, вилоят прокуратураси тергов гуруҳида уч йил давомида биргаликда ҳўжакпик ишларини тергов қилишда иштирок этганман. Дастлабки тасаввуримда муҳрланиб қолган фазилатлари - у кишининг ўзидан ёшларга меҳрибонлик кўрсатиши, доимо қўлини чўзиши, тергов сирларини қунт билан эринмасдан ўргатиши менга жуда қўл келди.



Ҳушфеъл, ночорларга раҳмдил, соф виждонли, дўстларга садоқатли, ўз касбини чин дилдан севадиган инсон Болтабой Каримов билан тақдир тақозосига кўра 1994 йилнинг бошидан то умрларининг охирига қадар туман прокуратурасида бирга ишлаш бахтига муяссар бўлдим. У кишида ҳуқуқшуносга хос бўлган фазилат - ўта изланувчан, ҳар бир ишга виждонан ёндошадиган, вақт билан ҳисоблашмасдан меҳнат қилиш қобилияти бор эди. Афсуски, тақдир экан... Болтабой ака орамиздан жуда эрта кетди.

Устознинг ўғли Равшанбек ота касбини тутди. У Нукус давлат университетида ҳуқуқшунос бўлиш учун ўқимоқда. От ўрнини той босади, деб бежиз айтмас экан, халқимиз.

Устознинг порлоқ хотираси доимо қалбимизда яшайди. У яратиб кетган ўзига хос мактаб сабоғи бизни ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олишимизга кўмаклашмоқда.

Абдулла НУРМЕТОВ, Хонқа тумани прокурори ёрдамчиси.

• *Латифа*

Мистер Смайлснинг хотини вафот этди. У ёш, соҳибжамол жувон эди. Дафн маросимида мистер Смайлс ўзини босиқ ва вазмин тутди. Лекин хотинининг собиқ хуштори дод-фарёд қилиб, ҳамма ёқни бузиб юборди.

Мистер Смайлс буларнинг ҳаммасини бамайлихотир кузатиб турди-да, дафн маросими тугугач, нола чекиб йиғлаётган йигитнинг олдига бориб, уни юпатди:

- Бунақа хафа бўлаверманг, биродар, мен яна уйланиш ниятидаман.

* * *

Иккита қари қиз ғийбат қилаяпти:

- Яқинда ўқидим, бир хотин тўртинчи эрини крематорийга олиб борибти.- Шунақа-да! - дейди иккинчиси. - Биз биронта эр тополмай сарсонмиз, баъзилар бир нечталаб эрни ёқишади.